

75 - 584

X - 18

Іаматқұл ХАЙЛАЕВ

# ШАХМАТ САБОҚЛАРИ



қоидалар • стратегия • тактика •  
комбинация • зарбалар • қопқонлар

115-581

Х-Р

Маматкул ХАЙЛАЕВ



## ШАХМАТ САБОҚЛАРИ

1440

Тошкент – 2016

UZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'lim VAZIRLIGI  
TOSHKENT VILOYATI UMAHQI  
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI  
AXBOROT RESURS MARKAZI

УУК: 794.1  
КБК: 75.581  
Х-18

Хайлаев, Маматқул  
Шахмат сабоқлари / М.Хайлаев. – Тошкент: Yurist-media markazi, 2016. –112 б.

ISBN 978-9943-4337-8-6

УУК: 794.1  
КБК: 75.581

Бизга маълумки, мамлакатимизнинг ёш шахматчилари жаҳон миқёсидаги мусобакаларда ўз маҳоратларини намойиш этиб, яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар Ана шундай муваффакиятларимизнинг бардавом бўлишини таъминлаш максадида шахмат хақидаги турли адабиётларга эҳтиёж сезилмоқда.

Шахмат бўйича халқаро спорт устаси Маматқул Хайлаев мактабгача таълим муассасалари, мактаблар ва тўгаракларда шахмат ўрганувчиларга қуляй бўлиши учун мазкур китобни яратди. Ушбу сабоқлардан шахмат мураббийлари, жисмоний тарбия фани ўқитувчилари ва мустақил ўрганувчилар фойдаланишлари мумкин.

Такризчи ва масъул мухаррир:  
Олимжон Ўсаров,  
Ўзбекистон шахмат федерацияси  
Ижроия Кўмитаси аъзоси

ISBN 978-9943-4337-8-6

© “Yurist-media markazi” нашриёти, 2016 йил

## БИРИНЧИ БЎЛИМ


### 1-дарс

#### ШАХМАТ ТАХТАСИ

64 минг олам мұжассам унда,  
Хар бир хонасида сиру-синоат.  
Или фикр, гоялар улгаяр бунда,  
Кашар кураши, гайрат, шижсоат.


Шахмат энсақадимий үйинлардан биридир. У гўёки, иккича динкорининг жанг санъатини эслатади. Лекин бу фикрлар курашига асосланган ўзига хос санъатдир.

Шахмат тахтаси 64 та тенг катакларга бўлинган. Тахтанинг буйи ва эни бўйлаб 8 тадан каторлар қойилшиган. 64 катакнинг 32 таси оқ, 32 таси қора роцаларга ажратилиган ва улар кетма-кет, яъни хар бир каторда оқ ва қора катаклар навбат билан қойлантирилиган. Катакларни хоналар деб аташ ҳам мүмкин (Гашак).




1-шакл

Тахтанинг юқорига (бўйига) томон кетма-к  
жойлашган хоналари йиғиндиси йўлак(лар) дейилади  
Шахмат тахтасидаги йўлак(лар) сони 8 та (2-шакл).




2-шакл

Тахтанинг ён томонига (энига) караб кетма-к  
жойлашган хоналар йиғиндиси қатор(лар) дейилади  
Шахмат тахтасидаги қаторлар сони ҳам 8 тадан ибора  
(3-шакл).




3-шакл

Тахтанинг бир хил рангдаги катакларини  
(хоналарини) туташтирувчи йўл(лар) кия йўлак(лар)  
дайилади (4-шакл).



4-шакл

Шахмат тахтасини шартли равища уч қисмга бўлиш  
мумкин: аниқ қанот (фарзин қаноти), марказ,  
ўнг қанот (шах қаноти) (5-шакл).



5-шакл

## ❓ Савол ва топшириқлар

1. Дафтари низом шахмат тахтасини чизинг.
2. Чигилган тахтада 2 тадан йўлак, қатор, кия йўлак  
ва катакларни рангли чизиқларда белгиланг.
3. Шахмат тахтасида нечта оқ, нечта қора хона

мавжуд? Уларнинг жами сони қанча бўлади?

4. Йўлак ва қаторлар нечта?

5. Тахтадаги энг қисқа ва энг узун кия йўлакларни топинг. Улардаги катаклар сонини аникланг.



### Буюк кишилар шахмат ҳақида

*Жисмоний тарбия инсон танасидаги кучларни сақлашга ва ривожлантиришга хизмат қилгани каби шахмат ҳам фойдали ақлий машгулот сифатида бутун дунёда тан олинмоқда.*

Вильгельм СТЕЙНИЦ

2-дарс

### ШАХМАТ ЁЗУВИ

— Қайси кўча, қай бир хона,  
қандай топай манзилингиз?  
— Ўргансангиз «шахмат тилин»  
осон бўлар мушкулингиз!

Шахмат тахтаси билан танишиб чиқдик. Ўйин қоидалари ва доналарнинг ҳаракатини ўрганишдан олдин шахмат ёзуви, яъни алифбосидан фойдаланишини билиш зарур.

Тахтанинг йўлаклари лотин ҳарфларида белгиланади ва эни бўйлаб ҳарфлар алфавит бўйича ёзилади: a, b, c, d, e, f, g, h (2-шаклга қаранг).

Чап томондан айлаги, бўйлаги ва х.к. тарзида номланади.


Тоғта ёзиштернар ёса бўйига томон рақамлар билан белгиланади: 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8.

Кимооб ҳарфи қўйидан бошланади ва 1-катор, ўзатор.. В-катор тарзида номланади (3-шакл).

Газавониг ҳар бир катагини ёзувда ифодалаш учун муҳим юзиданиган йўлак ҳарфи ва қатордаги ракамдан фойдаланилади.

Номланади йўлакидаги катаклар қўйидагича ифода ёзилади: a1, a2, a3, a4, a5, a6, a7, a8.

Бир б-катордаги хоналар (катаклар) a5, b5, c5, e5, f5, g5, h5 тарзида ёзилади, (6-шакл).



6-шакл

Ким йўлаклардаги катаклар: a1, b2, c3, d4, e5, f6, g7, h8 ёзиштернади ва a1-h8 қия йўлаги деб юртилади. Б-каторда хоналарнинг белгиланиши кўрсатилган.

Ҳолмат – дастлабки зарур атамалар билан ўзинайлик:

Шакл – шахмат тахтасининг тасвири.

Номланади – шахмат тахтасидаги доналарнинг маълум бир ҳолатда жойлашуви.

Тахта – шахмат ўйини ўйналадиган майдон, жой.

Ҳона – шахмат тахтасидаги маълум катақ.

## ⑤ Савол ва топшириқлар

1. а) Дафтарингизга a, b, c, d, e, f, g, h ҳарфларини ёзинг.
  - б) 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8 рақамларини ёзинг.
  - с) Шахмат таҳтаси чизмасидаги йўлакларни ҳарфлар билан, каторларни рақамлар билан белгилаб чиқинг.
2. а) «с» йўлагидаги катакларни ёзувда ифодаланг.
  - б) Дафтарга 3-катордаги катакларни ёзиб чиқинг.
  - с) f1-a8 кия йўлагидаги катакларни аниқланг ва оғзаки ифодаланг. Дафтарга шу катакларни ёзиб чиқинг.
3. а) Шахмат таҳтаси ёрдамисиз хаёлан «с» йўлагидаги хоналарни варакқа ёзиб чиқинг ва текшириб кўринг.
  - б) Шахмат таҳтаси ёрдамисиз хаёлан 7-катордаги хоналарни оғзаки ёки ёзма равишда аниқлаб чиқинг ва текшириб кўринг.
  - с) h1-a8 кия йўлагидаги хоналарни ҳам шу тарика аниқланг. Бу топшириқларни ўртоғингиз билан синаб кўринг.

## ✍ Буюк кишилар шахмат ҳақида

*Шахмат ҳаётдаги кўпгина зарур фазилатларни тарбиялади. Фаросат ва қатъяят билан йўл танлашга, жасур ва айни дамда эҳтиёткор бўлишга ўргатади. Бир сўз билан айтганда, шахмат инсон характерини тоблайди.*

Эмануэль ЛАСКЕР

## 3-дарс


### ШАХМАТ ДОНАЛАРИ

*Гаф тортиб турниар оддий аскарлар  
Сарн гашт оғиздан саклаб суқунат.  
Курашга шайланган лашкарбошилар  
Хон, ҳаёт бўғас тири тақдир, ҳақиқат!*

Шахмат уйинида «икки лашқар» – оқ ва қора рангдаги шахматчар шигирок этади. Ўйновчи томонлардан бири оқ, иккитадан ўтишадиги томонларни бошқаради.

Гури, амалда роҳлар айнан оқ ва қора бўлмасдан, ўтишадиги тукриларнинг бошқа хиллари ҳам қўлланилиши мумкин. Лекин адабиётларда доналарни ва ўйновчи томонларни фарқлаш учун «оқлар» ва «коралар» ишламиш иншатилади. Ҳар бир томонда 8 тадан сипоҳ ва 8 тадан писда, жами 16 та дона бўлади ва ўйинда 32 дона шигирок этади.

Томонларда беш турдаги сипоҳлар мавжуд: биттадан ўтишадиги биттадан фарзин, иккитадан рух, иккитадан фил, иккитадан от бўлади, булар сипоҳлар деб номланади.



7-шакл

7-шаклда доналарнинг таҳтага терилиши, яни шахматдан бошланғич ҳолат тасвирилган. Оқдоналар биринчи ва иккинчи каторларда, кора доналар еттинчи ва саккизинчи каторларга терилиши шахмат адабиётларида ифодалаш учун асос қилиб олинган.

Амалда ўйновчи томонларнинг чап томонидаги яқин бурчакда кора катак, ўнг томондаги яқин бурчак оқ катакда бўлиши шарт.

Оқ шоҳ кора катакда, кора шоҳ эса оқ катакда терилишини унутмаслик лозим.

Адабиётларда доналарни ифодалаш учун қискача белгилардан фойдаланилади. (Жадвалга қаранг.)

Дона- ларнинг номи	Қисқача белгиланиши		Доналар тасвири	
	Ўзбек -ча	Лотин- ча	Оқ- лар	Кора- лар
Шоҳ	Ш	Sh	♔	♚
Фарзин	Фз	Fz	♕	♛
Рух	R	R	♖	♜
Фил	Ф	F	♗	♝
От	О	O	♘	♞
Пиёда	п	p	♙	♟

Жадвалда кўрсатилганидек, ёзувда доналарнинг бош харфлари белги сифатида кўрсатилган.

Энди шахмат ўйинидаги бошланғич вазиятни ёзувда белгилаб чиқайлик. (7-шаклга қаранг).

Оқлар: Ше1, Фзd1, Pa1, Ph1, Фc1, Ff1, Ob1, Og1, пиёдалар: a2, b2, c2, d2, e2, f2, g2, h2.

Коралар: Ше8, Фзd8, Pa8, Ph8, Фc8, Ff8, Ob8, Og8.

Пиёдалар: a7, b7, c7, d7, e7, f7, g7, h7.

Гурушиң кўриниб турибдики, дастлаб сипоҳларнинг бош сарғинари, сўнгра сипоҳ ёки пиёда жойлашган катак ифода иштади.

Пиёдаларни ифодалашда факат шу пиёда жойлашган иштаси ёзиг қўйиш кифоя. Уларни қисқача «т» деб ёзиг иштаси ҳам мумкин.

### Савол ва топшириқлар

1. Шахмат таҳтасига доналарни мустакил териб чиқинг.
- Оқларда ва кораларда нечтадан дона борлигини аниқланг.
2. а) Оқ пиёдалар қайси қаторда жойлашган?  
Кора пиёдалар-чи?
- б) Шоҳлар турган хоналарни ёзувда ифодаланг.
- с) Рухлар турган хоналарни дафттарга ёзиг қўйинг.  
Уларнинг жами сони нечта?
- д) Фарзинлар қайси рангдаги катакларда жойлашган?
3. Доналарнинг бошланғич ҳолатларини дафттарга ёзиг қўйинг.
4. Сипоҳлар ва пиёдаларнинг шаклини чизишга ҳаракат килиб кўринг.

### Буюк кишилар шахмат ҳакида

Менга қолса шахматни барча мамлакатларда мактабларнинг ўқув дастурларига киритган бўлар эдим. Уқувчилар шахматни йўл-йўлакай эмас, балки ёши ва қрошиятига мос ҳолда маҳсус дастурлар асосида ўргана торишлари лозим.

...Чунки, инсон рухий қиёфасини шакллантириши ва устиришида шахматнинг аҳамияти каттадир.

Хосе Раул КАПАБЛАНКА

## ҮЙИН ҚОИДАЛАРИ

*Шахмат ҳам ҳаётга үхшайди асли,  
Кимдир шох, ким пиёда насаби-насли.  
Эгрироқ юради фарзин-у филлар,  
Рух-чи, тұғри үйләдә югурб-елар.  
Пиёданы топтар гоҳида отлар,  
Гоҳида пиёда шоҳни мот этар.*

Шахмат үйини оқ ва кора доналарнинг кураши асосланған.

Үйновчи томонлардан бири оқ, иккинчisi қор доналарни бошқаради. Уларни ракиблар деб атайды. Одатта шахмат үйини икки рақиб үртасида үйналади. Дастлаб томонларда күчлар тенг, яъни 16 тадан дон булади. (7-шаклға қаранг).

Үйинде томонлар навбатма-навбат юришади.

Үйинни оқлар бошлайды. Қоралар жавоб юришини амалга оширади. Юриш галида фақат битта дона юриш мүмкін. (Шоҳни яшириш, яъни рокировка қилиш қоидаси бундан мустасно).

Юриш галини ўтказиб юбориш ёки юришни қайтариб олиш тақиқланади. (Бу үйин қоидасига зид).

Шахмат доналари нафақат ташқи күриниши билан, балки ҳаракат қоидалари, кучи билан ҳам фарқланади.

Үйиннинг энг мухим донаси – шоҳ хисобланади.

Агар шоҳ юриш имкониятларига эга бўлмаса, яъни киши берилганда мот бўлса, шу томон үйинни ютқазган булади. Шунинг учун шоҳ доимо ҳимояланади.

Шахмат үйини бош мақсади шу асосда курилган.

Томонлардан бири үйин ҳолатига караб, шохи мот томондан олдинроқ үзини ютқазган хисоблаши, яъни үйинни бўлиши мумкин. Ракиблар үзаро келишган кунда мальум вазиятда (имкониятлар баравар бўлса), үйинни дуранг хисоблашлари ҳам мумкин.

Мусобақа вақтида ютган томонга 1 очко, ютқазган томонга 0 очко берилади.

Үйинни дуранг натижа билан тугаса, очко икки томонга 1 очко берилади, яъни 0,5 очкодан берилади.

Шахматда үйлаш вақтини чегаралаш учун мусобақаларда маҳсус соатлар кўлланилади.

Үйин учун ажратилган муддат назорат вақти берилади. Вақтиккалатомон учун бирдек тақсимланади.

Назорат вақти турлича бўлиши мумкин.

Үйин учун ажратилган вақт давомида ракиблардан бири ўз вақтини тугатиб қўйса, яъни белгиланган юришлар сонини амалга оширишга ултурмаса, шу томон үйинни ютқазган хисобланади.

Расмий мусобақаларда (баъзан оддий үйинларда) үйинлар ёзиб борилади. Вақт танг ҳолатларда (яъни цейтнот ҳолатида) матн ёзиш вақтинча тўхтатилиши мумкин.

Үйин вақтида ракибга турли йўллар билан халакит бериш, айтайлик, гапириш, столни чертиш кабилар тақиқланади. Шахмат сабр-тоқатли, интизомли ва продали бўлишга ўргатади.

### ② Савол ва топшириклар

1. Шахмат үйинидаги энг мухим дона қайси?
2. Қандай ҳолатларда үйин тугаган хисобланади?
3. Үйинда тенглик, яъни дуранг бўлиши мумкинми?

4. а) Ютуққа неча очко берилади? Мағлубиятга-чы  
Дуранг натижасынан неча очко берилади?  
б) Шахматчи түрт ўйиннинг учтасини ютди, би  
ўйинда ютказди. Унинг жами очкоси нечта?  
в) Шахматчи уч ўйин ўйнаб, уч хил натижасы кўрсате-  
жами очкоси қанча бўлади?



### Буюк кишилар шахмат ҳақида

*Шахмат ўйнашини ўрганиши осон, лекин яхши  
шахматчи бўлиши қийин.. Тажериба – энг яхши  
муаллим. Ёдда тутинг: кучли шахматчи бўлишидан  
олдин юзлаб ўйинларда ютқазишингизга тўгрин  
келади.*

Хосе Рауль Капабланка

### 5-дарс

## ДОНАЛАРНИНГ ЮРИШ ҚОИДАЛАРИ

*Ўйинда пиёда кетса ҳеч гапмас,  
Ҳамто рўй беради фарзин қурбони.  
Лекин, шоҳни асранг, дўстларим,  
Шоҳ мот бўлса – рақиб даврони!*


### ШОҲ

Энди доналарнинг юриш қоидалари билан яқиндан  
танишиб чиқамиз. Тахтада харакатланувчи доналар  
турлича кучга эга.

ШОҲ – бош ва энг бебаҳо сипоҳ ҳисобланади. Ёзувда  
қисқача Ш ҳарфи билан белгилаймиз (Sh).

Аннанис, шоҳ марказда d4 хонасида жойлашган  
шоҳ (Ш-шакл). У ҳолда Ш d4 тарзида ёзамиш. Энди  
шоҳни харакатланишини кўриб чиқайлик.

Шоҳ факат бир хона юра олади.



8-шакл

8-шаклда шоҳнинг ҳаракатланиш чегаралари  
негативлайдиган. Демак, d4 хонасидаги шоҳ йўлак, катор ва  
шундай йўлаклар бўйлаб факат бир катакка юриши мумкин  
бўлини: d3, d5, c4, e4, c5, e3, e5, c3 катаклари шоҳ юра  
оладиган хоналардир.

Энди d4 хонасидаги шоҳнинг юриш имкониятларини  
сито чиқамиз.

Йўлак бўйича: 1. Шd4-d3 1. Шd4- d5

Катор бўйича: 1. Шd4-c4 1. Шd4- e4.

Кия йўлаклар бўйича: 1. Шd4-c3 1. Шd4-c5 1. Шd4-e3  
1. Шd4-e5.


Шоҳ химоясиз рақиб донасини ютиб олиши мумкин.

9-шаклдаги ҳолатда Шоҳ кора отни ютиб олади ва шу  
корага жойлашади 1.Шc6: b7.

Ютиб олинган сипоҳ ўйинда кайта иштирок этмайди.

«Кишт бериш» – рақиб донасининг шоҳга ҳужумидир.

Икки шоҳ бир-бирига ёнма-ён туриши мумкин эмас.



9-шакл


9-шаклда оқ ва қора шохларнинг бир-бираи яқинлаша олмайдиган хоналари «х» белгисиде күрсатилган.

«Мот» – бу кишт берилганда шоҳнинг юриш имкониятлари тұла чекланған ҳолатдир.

Шоҳ юра олмаса «мот» бўлади. Демак, ўйни ниҳоясига етган ҳисобланади. Шоҳни уриб олиш мумкин эмас.

Мот қоидалари билан келгуси мавзуларда батафсил танишиб борамиз.

### ?(?) Савол ва топшириқлар



10-шакл

10 шақидаги ҳолатларда оқ ва қора шоҳларнинг  
имкониятларини аниқланг ва дафтарга ёзиб

11 хонасига шоҳни кўйинг. У нечта хонага юра

1 Оқ шоҳ 11 хонасида, қора шоҳ 13 хонасида  
уларнинг юра оладиган хоналарини  
хонага юра

12 хонасидаги шоҳни 15 хонасига энг қисқа йўл  
боринг. Нечта юриш талаб этилади? Энг узун  
ли учун нечта юриш керак бўлади?

#### Белги ва атамалар:

«» — донани ютиб олиш.

«» — «кишт» бериш.

«» — «мот» белгиси.



#### Буюк кишилар шахмат ҳақида

*Шахмат воситасида мен характеримни  
шарбияладим. Шахмат авваламбор воқеликка  
даликоний баҳо беришга ўргатади. Худди ҳаётда  
булани каби шахматда ҳам киши ўз хото ва  
камчиликлари моҳиятини англаб етсанга маҳир  
иста бўлиб етиша олади.*

Александр АЛЁХИН

O'ZBEKİSTON RESPUBLİKASI  
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZRRLIQI  
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ  
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI  
AXBOROT RESURS MARKAZI

## 6-дарс


### ФАРЗИН

**Ҳам эпчилман, ҳам чаққон,  
Хужумга шайман ҳар он!  
Шоҳнинг ёнида-ку ҳозиру нозир,  
Ахир мен фарзинман – Бош вазир!**

Шахмат сипоҳлари ичида энг кучлиси – фарзиндири. Чунки у энг ҳаракатчан ва эпчил дона хисобланади. Ёзувда кискача Фз ҳарфи билан белгиланади (Fz).

Фарзин ҳам шоҳ сингари юриши ва ютиши мумкин. Лекин-хамма фарқ шундаки, шоҳнинг ҳаракат доираси фақат ён қўшни катаклар билан чегараланса, фарзин шу йўналишлар бўйича исталган катакларга юра олади.

8-шаклдаги вазиятда шоҳнинг ўрнига фарзинни кўйиб кўрамиз. Шоҳ бу хонадан 8 та катакка юриши мумкин эди. Фарзин эса бирйўла 27 та катакка таъсир ўтказади. Демак, у 27 хил юриш имкониятига эга (11-шакл).




11-шакл

Тахтанинг a1 хонасидаги шоҳ h8 хонасигача 7-юришда етади: 1. Шa1-b2 2. Ш b2-c3. 3. Шc3-d4, 4.

5. Шe5-f6. 6. Шf6-g7. 7. Шg7-h8.  
Фарзин эса бу оралиқни бир юришда босиб ўтади.

1. Фзa1-b8.  
Демак, фарзин шоҳга нисбатан анча тезкор экан! У йўнидаги рагиб доналарини бемалол юта олади.



12-шакл

12-шаклдаги вазиятда фарзин саккизта кора  
доираидан хоҳлаган биттасини уриб олиш имкониятига

1. Фзe5:e2. 1. Фзe5:a1. 1. Фзe5:c5. 1. Фзe5:b8.  
1. Фзe5:e8. 1. Фзe5:f6. 1. Фзe5:g5. 1. Фзe5:h2.

Шоҳ энг бебаҳо ва бош сипоҳдир.  
Фарзин – шахмат қўшинидаги энг кучли сипоҳ.

### Савол ва топшириклар

1. Фарзинни a8 хонасига кўйинг. У нечта хонага юриш килиши мумкин?

Энг узун юришида нечта хонага юра олади? Бундай юришлар сони нечта?

2. Таҳтада тўртта фарзинни шундай жойлаштирингкүнлар бир-бирига хужум қилмасин. (Дафтарингизга шундай хоналарни ёзиб қўйинг).

### ✓ Белги ва атамалар:

- «!» – кучли юриш.
- «!!» – жуда кучли юриш.
- «?» – хато, заиф юриш.
- «??» – қўпол хато.

### Буюк кишилар шахмат ҳақида

*Шахмат оқилона ҳаракат қилишга, масъулиятни  
ҳис этишга, билимни ошириш учун интилишига.  
Мустақил фикр юритишга ўргатади. Бу ҳамма  
кишилар учун зарур.*


Макс ЭЙВЕ

7-дарс

РУХ

*Содик дўстдир рух, ҳам тўғри юрар,  
Ҳимояда доим шоҳ ёнин олар.  
Хужумга ташланса, гоҳида агар,  
Ё мот қўяр, ё курбон бўлар.*


Рух – факат йўлаклар ва каторлар бўйлаб тўғри юрувчи сипохдир. Ёзувда қисқача Р ҳарфи билан белгиланади (R).



13-шакл

13-шаклда рухнинг ҳаракатланиш имкониятлари  
тасдиқланади. Бўш таҳтанинг қаерида турганлигидан  
хонага назар, рух 14 та хонага юриши мумкин.

Рух фарзиндан деярли икки баробар кучсиз, чунки  
кима йўлаклар бўйлаб (фарzin сингари) юриш  
кукидан маҳрум. Бирор икки рух ҳамжиҳатлика  
нишонидан кучлироқ ҳисобланади.




14-шакл

14-шаклда с4 ҳонасидаги рух 4 та рақиб сипохидан  
нишонидан кучлироқ ҳисобланади. Бирор икки рух  
хонага назар, олиши мумкин:

1. Pс4:c8. 1. Pс4:f4.

1. Pс4:c1. 1. Pс4:a4.

Лекин b5, еб хоналаридаги пиёдаларни ура олмай



15-шакл

15-шаклдаги вазиятта d3 даги рухнинг имкониятлар чекланган. У факат с3, d1, d2, d4 хоналарига юра олади. Фарзинни рухнинг ўрнига қўйиб кўрамиз. У ҳолд кўрсатилган хоналардан ташқари фарзиннинг ки йўлаклар бўйлаб юриш имкониятлари бор.

Ўйинда фарзин ва рух бошқа доналарга нисбатанча кучлидир. Шу боис фарзин ва рух шахматдаги оғир сипоҳлар деб аталади.

### Савол ва топшириклар

1. Рух йўлак бўйлаб нечта хонани босиб ўтиш мумкин? Катор бўйлаб-чи?

2. Рухни a1 хонасига қўйинг ва барча марказий (d4, e4, e5, d5) ҳамда бурчак хоналарга (a8, h8, h1) юриш қоидаси бўйича юриб чиқинг ва яна a1 хонасига келтиринг. Худди шу йўналишда фарзинни ҳам юриси чиқинг.

1. Юкоридаги юришлар учун рух ҳамда фарзинга кимдан юриш талаб килинади? Энг кам юришларни аниқланг.

2. Шоҳ h1 хонасидан a8 хонасига неча юришда етади? Фарзин-чи? Рух-чи? Шу юришларни дафтарда қайд инг.

### Буюк кишилар шахмат ҳақида

Шахматнинг уч қирраси мавжуд — шахматни, фан ва санъат. Ёшлар даставвал шахматнинг мазмун-моҳиятини, шундан сўнг спортни ўзин билан боғлиқ хусусиятларини ўрганмоги мумкин. Мана шу йўлгина узоқ ва мустаҳкам шиффақиятни таъминлайди.


Михаил БОТВИННИК

8-дарс

ФИЛ ВА «ОЧМАС»

Филлар абжисир, чаққону бирок,  
Танлаган йўллари бироз эгрирок,  
Хумсум-химояда елиб-югурар,  
Юнқазиб қўйшини доим ор билар.

Фил кия йўлакларда харакатланувчи енгил сипоҳларидан ётади. Ёзувда Ф харфи билан белгиланади (F). А1 хонасидаги фил фақат a1-h8 ва g1-a7 кия йўлаклари бўйлаб исталган хонага юриш хуқуқига эга (16-шакл).



16-шакл


Рақибларда үйин пайти иккитадан фил бўлиб, буларда бироқ хоналар бўйлаб, иккинчиси эса қора хоналар бўйла юради. Оқ хоналар бўйлаб юрувчи фил оқ катакли фил, қора хоналар бўйлаб юрувчи фил қора катакли фил деб аталади.

16-шаклдаги вазиятда b1 даги фил факат оқ хоналарг юра олади. Бу a2 хонаси ва b1-h7 кия йўлагидаги хоналардир

Марказдаги фил 13 та хонага юриш имкониятига эга. Бурчакдаги фил факат 7 та катакни «кўзлай» олади.

Демак, марказда жойлашган ҳар қандай сипоҳ кучлироқдир.

Фил кия йўлакдаги Рақиб сипоҳларини ютиб олиши мумкин



17-шакл

17-шаклда f3 хонасидаги фил 4 та сипоҳдан исталган бирини ўз юришида ютиб олиши мумкин:

1. Ff3:h5. 1. Ff3:g2. 1. Ff3:d1. 1. Ff3:b7.


Лекин e3 ёки f7 даги пиёдаларни ура олмайди.

Фил руҳдан кучсиз, бироқ икки фил бир руҳдан учлироқ ҳисобланади.

Филнинг муҳим ҳусусиятларидан бири – рақиб сипоҳларини «очмас»да қолдиришидир.

«Очмас» – бу шахмат жангидаги жанговар усул. Уни яхши билиш ва ўйинда қўллай олиш керак.

«Очмас» – бу орқасида шоҳ ёки кучлироқ сипоҳ жойлашган донага хужум қилиш усулидир.



18-шакл

18-шаклдаги ҳолатда g2 хонасидаги оқ фил кия йўлак бўйлаб «очмас» усулини қўллаган, яъни b7 даги фарзинга хужум қиласди. Фарзин филнинг ҳаракат йўналишидан кета олмайди. Чунки орқасидаги a8 хонасида қора шоҳ турибди. Шоҳни хужумдан тўсиб турган сипоҳни юриш мумкин эмас. Шоҳни кишт остида қолдириш ёки кишт остига юриш ҳам қоида бўйича тақиқланади. Филга фарзин алмаштирилса, оқлар куч жихатдан ўзиб кетади ва ғалаба қилиш имкониятлари кўпаяди.

Шу вазиятда қора рух ҳам «очмас» усулини күллаш мүмкін. a4 даги рух a1 хонасига юрса, c1 хонасидаги о от «очмас»да қолади. Оқ от тұла «очмас»да, чунки юриш мүмкін эмас. Шунингдек, d4 даги қора філ f2 пиёдасин тұла «очмас»да тутиб турибди. h7 даги оқ рух эса g7 даг қора отни «очмас»да сақлаяпты. Бу «шартлы очмасдир». Чунки от ҳаракатланиши ва фарзинни ҳимояси қолдириши мүмкін.

Фарзин, рух ва філ узокқа тұғри чизиклар бүйич ҳаракатланувчи сипохлардир.

### ❸ Савол ва топшириқлар

1. h1 хонасидаги філнинг шундай йұналишини топингки, у марказдаги ҳамда тахтанинг тұрт бурчагидаги ўзи юра оладиган хоналарнинг ҳар бирига юриш қилиб чиқсин ва h1 хонасига қайтиб келсин. Нече юриш қилинишини аникланг. Дафтарда філнинг йұналишини чизиклар ёрдамида күрсатынг. Юришларни ёзиб чиқинг.

2. Шундай ҳолатларни тахтага теринг. Үнда:

- а) оқ філ «очмас» усулини күлласин;
- б) қора філ үз юришида «очмас» усулини күлласин;
- в) тахтадаги вазиятларни дафтарга ёзиб чиқинг.



### Буюқ кишилар шахмат ҳақида

*Мен шахматни санъат деб биламан, лекин бу кураш натижасида дунёга келувчи ўзгача санъатдир. Үндаги әңг муҳим нарса – ижодий қувонч, курашдан завқтанини Умуман, шахмат инсонга ажайиб ҳаёт сабогини беради.*

Василий СМИСЛОВ


## 9-дарс

### ОТ ВА ИККИ ЁҚЛАМА ЗАРБА

От уйланди хүп узок,  
Охир қүйди тузок,  
Ҳам шоҳни, ҳам рухни дер,  
І бўлмаса филни ер.

Отнинг ҳаракати фарзин, рух ва филга нисбаган бошмароқдир. У ҳаракатни бир йұналищда бошлаб, иккинчи йұналищда тугагади. Ёзувда «О» ҳарфи билан белгиланади (O).

Отнинг ҳар бир юришида катақнинг ранги, йўлак, қатор ва тоғ йўлаклар алмашади.




19-шакл

19-шаклда отларнинг юриш йўллари кўрсатилган.  
Марказдаги от 8 та хонага юра олади.  
Бурчакда ёки тахта чеккасида жойлашган отнинг ҳаракати  
кўрсанган бўлади.

Онинг ҳаракати отнинг юришлари:  
Oe4-c3, Oe4-c5, Oe4-d6, Oe4-f6, Oe4-g5, Oe4-g3, Oe4-f2,  
Oe4-d2.

**h8** хонасидаги отнинг юришлари: Oh8-f7, Oh8-g6.


Отнинг иккинчи хусусияти – ўзининг ва ракибни доналари устидан бемалол сакраб ўта олишидад. Шахматда бошка хеч бир дона бундай имкониятта эга эмас.



20-шакл


20-шаклдаги вазиятда g1 даги от ўз пиёдаларидан ўтиб f3 ёки h3 хонасига юра олади. b5 даги от эса с3, d6 хоналарига юриши, c7, a7 хоналаридаги пиёдаларни уриб олиши мумкин.

Отнинг учинчи бир хусусиятини «шумлик» деб атас бўлади. Бу уни икки ёқлама зарба бера олиши, яъни бирйўла икки донига ҳужум килишидир.



21-шакл

21-шаклда с6 даги от ракиб шохига ва фарзинига бирйўла ҳужум килади. Бу «иккиёклама зарба» усули шоҳ юргач, от фарзинни уриб олади (22-шакл).



22-шакл

1. Оc6-e5 +!      Шf7-e6.

2. Оe5:g4.

Албатта, бошка доналар: фарзин, рух, фил ва ҳатто ишча хам иккиёклама зарба берини мумкин. Лекин, оларни «тузоги»ни олдиндан илғаб олиш мушкулрек.

От фил сингари енгил сипоҳ деб аталади.

От ракиб сипоҳларини «очмас»да колдириш хусусиятига эга эмас. Бирор от кишт берганда ракиб шохини юрили оркали ёки шу отни бирор дона билан уриб кутула олади.

От ва фил куч жихатидан деярли тенгдир. Икки от руҳдан кучлироқ саналади.

### Савол ва топшириқлар

1. h8 хонасидаги отни юриб чикинг.

а) Барча марказий хоналар (d4, e4, e5, d5)да;

- б) барча бурчак хоналарда бўлсин.  
 в) Отнинг юришларини дафтарга ёзинг.  
 г) Юришлар сонини аниqlанг.
2. Щундай ҳолатларни таҳтага териб кўринг. Унда от:  
 а) ракиб шоҳи ва фарзинига;  
 б) фарзин ва руҳга;  
 в) фил ва пиёдага;  
 г) икки пиёдага иккиёқлама зарба берсин.  
 д) вазиятларни дафтарга ёзиб боринг.

### Буюк кишилар шахмат ҳақида

*Шахматнинг ўзига жалб қилувчи кучини қандай изоҳлаш мумкин? Нега миллионлаб кишилар шахмат ўйнайдилар, минглаб ёшлар унинг назарияси билан шугулланадилар, мусобақаларда қатнашадилар? Менимча, бунинг бирдан-бир сабаби шахматнинг улкан эстетик таъсириладир.*

Михаил ТАЛЬ

### 10-дарс

#### ПИЁДА

*Пиёданинг орзуси азал  
 Айланмоқ эди фарзиндек зотга.  
 Сўнгги қатор – охир манзилга.  
 Қадам қўйди, минг машакқат-ла.  
 Лек, фарзингамас, айланди отга,  
 Начора, шу экан тақдир-қисмати.*


Шахмат кўшинидаги жанговараскарлар пиёдалардир. Ўнда томонларда 8 тадан жами 16 та пиёда иштироклади (7-шакл). Уларнинг бошланғич ҳолати худди турган аскарларга ўхшайди.

Пиёдаларни ёзувда ифодалашда фақат турган кишиларини кўрсатиш кифоя. Масалан: e4, c6, g7 каби.

Пиёдаларнинг юриши ўзига хос: у фақат олдинга олади (йўлак бўйлаб).

Пиёдалар фақат бир хона силжий олади. Бошланғич шаклдан эса бирйўла икки хона олдинга юриши ҳам мумкин. Бундай имконият пиёдага фақат бир марта, шининг бошланғич вазиятида берилади.

Пиёдалар ракиб доналарини ютиб олиши, шоҳга «шашт» бериши мумкин. У қаршисида (яъни юриш шаклдаги) донани эмас, балки кўшни йўлакдаги донани ким йўналишда уриб олиш хукукига эга. Пиёдаларни шакл, эҳтиёткорлик билан юриш лозим, чунки улар орқага юрмайди ва орқадаги сипоҳни уриб ололмайди.



23-шакл

23-шаклда оқ ва қора пиёдаларнинг юриш чегаралари, оғизи имкониятлари кўрсатилган.  
 a2 пиёдаси бирйўла икки хона, b6, c3, d5 пиёдалари бир хона юриши мумкин.

1. a2-a4. 1. b6-b7.

1. c3-c4. 1. d5-d6

Қора пиёдалардан g7 хонадагиси бирйұла икки мүмкін, аб пиёдалари эса бир хона олға силжиши мүмкін 1... g7-g5; 1... e6-e5; 1... a6-a5

h4 ва h5 пиёдалари юра олмайды, чунки ул «түқнаш» келган ва бир-бириңнинг ҳаракатини чеке түрибди.

Пиёдаларнинг уриб олиши күйидагича ёзилади:

1. d5: e6; 1. b6: c7

ёки қоралар учун 1... e6: d5; 1... c7: b6

Пиёдаларнинг учинчи мухим хусусияти йўлда уриб олиш коидасидир.

Агар бошланғич вазиятда турган пиёда бирдани икки хона сурилса ва рақиб пиёдаси билан бир катор, ёнма-ён туриб қолса, уни ўша рақиб пиёдаси «йўлда уриб олиши мүмкін. Чунки у рақиб пиёдасини зарбаси остидаги хонани босиб ўтган бўлади. Айтайли, қоралар c7-c5 пиёда сурса, оқлар d5 даги пиёда билан уни уриб олиши мүмкін. Бунда d5 пиёдаси сб хонасини ўтади, чунки айнан шу хона пиёданинг таъсирида эди 1... c7-c5 2. d5:c6.

Йўлда уриш имконияти қораларда ҳам мавжуд: оқлар e2-e4 пиёда сурса, e4 даги қора пиёда «йўлда уради».

1. e2-e4 f4:e3

«Йўлда уриш» коидасида айни шу юришнинг ўзидаги пиёда уриб олинимаса, кейинги юриш галларидаги уриб олишга рухсат берилмайди. Масалан, қорала «e» пиёдасини йўлда урмасдан, айтайлик, a6-a5 юрса кейинчалик «e» пиёдасини йўлда ура олмайди.


Доналарни уриб олиш коидасига кўра, ҳамма холлардагидек «йўлда уриб» олиш мажбурий эмас.

Пиёдаларнинг тўртинчи мухим хусусияти  
ишиндеги.


Пиёда охирги қаторга (оқларники саккизинчи, оқларниң биринчи) чиққандан юриш чегараси таъов ва пиёда фарзинга, рухга, филга ёки отга бўлади. Пиёда ўрнига янги шоҳни кўйиш мүмкін бўладага зид.

Пиёдалар одагда, сўнгги қаторга етганда энг кучли фарзинга айланади, яъни шу хонага фарзини ўтади. Лекин шундай вазиятлар бўладики, бошка масалан, рух, фил ёки отни кўйиш фойдалироқ таъовдаги вазиятда e7 пиёдаси фарзинга чиқса,

1... e8f3 бўлса, ўйин тенглашади. Лекин пиёданни айлантириш фойдалидир! Бу ҳолатда от «тузоқ» ва иккىёклама зарба бериб, рақиб фарзинини ўтади (25-шакл).



24-шакл



25-шакл

1. c7-e8O Шc7-d8. 2. Oe8:f6

Энди оқларда бир сипоҳ ортиб қолди.

Охирги қаторга етган пиёдани қайси сипоҳ деб эъзалиши, таҳтада кандай сипоҳлар борлигидан қатъи нафарий ўйновчининг хоҳишига боғлик. Шунинг учун таҳтада назарий жиҳатдан 9 тагача фарзин бўлиши мумкин. Шунингдек, рух, фил ва отларнинг сони ҳам чекланмаган. Оқ пиёда ўрнига, албатта, оқ сипоҳ, қора пиёда ўрнига албатта, қора сипоҳ қўйилади.

### ⌚ Савол ва тесчириқлар

1. Таҳтага ушбу вазиятни теринг:  
Оқ пиёда: b5, қора пиёдалар: a6, b6, c6.  
Шу вазиятда: а) Оқ пиёда қайси пиёдаларни юта олади?  
б) Қора пиёдалардан қайси бирлари оқ пиёдани юта олади?  
Дафтарга юришларни ёзиб боринг.
2. f3 хонасидаги оқ пиёда неча юришда «фарзинга чиқади»? h7 даги қора пиёда-чи? Юришларни ёзиб чиқинг.
3. «Йўлда уриш» қоидасига доир мустакил равишда вазиятлар ўйлаб топинг. Юришларни ёзиб чиқинг.
4. Таҳтага теринг: Оқлар: Шe4, пиёдалар: f7, g7, b2.  
Қоралар: Шe6, Fd7, Og6. Юриш оқлардан. Энг яхши ўйналишини топинг.

### ✍ Буюк кишилар шахмат ҳақида

*Шахмат – шаклан ўйин, моҳиятига кўра санъат ўрганини машакқатларига кўра – фандир... Шахмат яхши китоб ёки мусикя янглиг роҳат, завқ баҳшидаги эта олади. Махорат сирларини пухта эгаллаш, яхши ўйнашини ўрганини лозим. Ана шунда шахмат берега оладиган қувончга олино буласиз.*

Тигран ПЕТРОСЯН

### 11-дарс


## ШОҲНИ ЯШИРИШ – РОКИРОВКА

Шоҳ қалъага,  
Рұхлар ҳамлагага!  
Жанг бошланди,  
Кизғин, аёвсиз!  
Ортга йўл йўқ энди,  
Фақат олдинга!

Доналарнинг харакатланиш қоидалари билан шахматни чиқдик. Лекин шахмат ўйинида яна бир нечаде хос юриш мавжуд. Бу катта жанг арафасида яхши яшириш, яъни «рокировка» қилиш қоидасидир. Рокировкада бирйўла икки сипоҳ – шоҳ ва рух билан шахматни имконияти берилади. Рокировкани томонларнида факат бир маргадан кўллашлари мумкин.



26-шакл



27-шакл

Маълумки, шоҳ ўйин бошида марказий йулакда ойлашган бўлади. Уни қанотлардан бирига, яъни

хавфсиз жойга олиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Рокировка мақсадда құлланилади. У қүйидагича амалға оширила.

Шоҳ бошланғич ҳолатдан бир хона ташлаган ҳо кейинги хона, рухни эса шоҳнинг бошка томонидан хонага олиб ўтиб ёнма-ён қўйилади. Аввалига шоҳ, сўнг рух жойидан қўзғатилади.

Рокировкани иккала томонга ҳам қўллаш мумкин.


26, 27-шакллардаги вазиятда рокировка қилинади қоидаси кўрсатилган. Оқлар танлаган юриш киска сабаки рокировка, қоралар танлаган юриш катта ёки унда рокировка дейилади. Томонлар аксинча йўл танлашша ҳам мумкин.

Рокировка қоидаси ёзувда «0-0» (киска рокировка), «0-0» (катта рокировка) тарзида белгиланади.

Рокировка вактида шоҳ ва рух орасида сипохчада бўлмаслиги шарт.

Рокировка қилиш қўйидаги ҳолларда мумкин эмас:

1. Рокировкада қатнашадиган шоҳ ёки рух юрган бўлса (аввал юриб, кейин жойига яна қайтиб келган бўлса ҳам)
2. Шоҳга кишт берилган пайтда.
3. Рокировка қилингач, шоҳига кишт бўлиб қолса.
4. Шоҳ (факатгина шоҳ) рокировка пайтидаги рабдоналарининг зарбаси остидаги хонадан ўтса.



28-шакл

Жаңыда иккала рақиб ҳам ҳеч бир томонға рокировка қила олмайди.

Үйин вақтида томонлар юқорида келтирилгандарға амал қилған ҳолда истаган пайтда рокировка» қилишлари мүмкін. Ҳужум бошлашдан берген шохни «қалъага» яшириш фойдалидир.

### ② Савол ва топшириқлар

1. Тахтага оқлар фақат «катта» (ёки «кузун») рокировка, коралар фақат «кичик» (ёки «қисқа») рокировка қилаладиган вазиятни теринг ва юришларни ёзib қўйинг.

2. Куйидаги вазиятни таҳлил қилинг.

**Оқлар:** Шe1, Ph1, n: g2, h2

**Коралар:** Шe8, Ph8, n: g7, h7.

Агар: а) Оқлар юриш навбатида рокировка қилса, коралар ҳам рокировка қила оладими?

б) Юриш навбати кораларда бўлса ва улар биринчи булиб рокировка қилса, оқлар рокировка қила оладими?  
Нега шундай?

### ✍ Буюк кишилар шахмат хақида

*Шахматчи кураишчан бўлиши керак. Ўйин жараёнининг ўзи инсонни маълум ҳаракатлар сари бошига боради. Гоҳида бу жараён сиздан гайрат, шизкоат сўрайди, гоҳида эса чидам ва бардошли булини тақозо этади. Қисқаси, шахмат инсон ҳарактерини тоблади, маромига етказади.*

*Мен учун шахмат, аввало, ҳаққоний ўйин. Мабодо сиз соғ шахматчасига эмас, айтайлик, инсоний чистлатларга хос бўлган енгил-елни ўйлаш, рақибни*

менсимаслик каби хатоларга йұл құйсанғыз ҳам  
тахта узра, албатта, жазога маҳқумсиз.

Борис СПАССКИЙ


## 12-дарс

### ШОХГА ҲУЖУМ

Қалъа атрофида колмади паноҳ,  
Рухлар асир тушиби, филлар – омонат.  
Лашкар күз ўнгіда маглуб бұлды шоҳ,  
Отлар «кишт» беришди, фарзин құйди мот.

### КИШТ БЕРИШ ВА МОТ

Шахмат үйинидаги бош мақсад рақиб шохини мот қилишдан иборатдир. Үйин давомида шоҳдан бошқа барча сипоҳ ва пиёдалар ютиб олиниши мүмкін. Шохны фақат «асирға» тушириш мүмкін. Шохнинг хужум қилинганды қоча олмаслиги, унинг мот бұлғанини англатади.




29-шакл

29-шаклда энг кичик дона — пиёда билан «кишт» бериш ҳолати тасвириланган.

Ёзувда «кишт» берилган юришдан кейин «+» ишораси қўйилади. Масалан:

1. b6-b7+.

Агар «кишт» берилганда шоҳ мот бўлса, «+» ўрнига «x» ишораси қўйилади.



30-шакл

Энди 30-шаклдаги вазиятда «кишт» бериш усулларини кўриб чиқамиз.

Кучлар нисбати тенг. Лекин юриш навбати қайси томонда бўлса, шу томон турлича «кишт» берishi мумкин.

Юриш оқлардан бўлсин.

У ҳолда оқлар ҳар хил усулда «кишт» берishi мумкин. Масалан: d1 даги рух d8 хонасига юриб, кишт берishi мумкин. У ҳолда қоралар с7 даги фил билан рухни уриб олади.

1. Pd1-d8+?      Fc7:d8. Бу юриш оқлар учун фойдасизdir.

Фил билан кишт берилса, ҳам шоҳга, ҳам фарзинга ҳужум қилинади.

1. Фe4-d5+. Энди қораларда уч хил ҳимоя усули бор, Фарзин билан филни уриш, шоҳни «кишт»дан олиб қочиш ва ниҳоят, «кишт» йўлини фил ёки рух билан тўсиш. Бу юришлар коидага зид эмас.

1. ... Fz c4:d5; 1. ... Shg8-h8; 1. ... Pg7-f7

Оқлар фарзини билан иккита хонадан «кишт» бериш имкониятига эга. Фарзин худди фил сингари d5 хонасидан «кишт» берса, қоралар юқорида кўричиқсан жавоблардан бирини бериши мумкин.

Лекин, фарзиннинг иккичи «кишт» бериш йўли қора шоҳ учун мағлубиятлидир.

Агар фарзин e8 хонасидан «кишт» берса, шоҳ мот бўлади. Фарзин 8-қатордаги f8, h8 ва 7-қатордаги f7 хоналарини зарба остига олди. g7 ва h7 даги қорадоналар ўз шоҳининг қочиш йўлини камайтирган, шу хоналар банд. Демак, оқлар ўйинни ютган бўлади. Бу юришни ёзувда ифодалаймиз:

1. Fzh5-e8 x.

Юриш қоралардан ва натижа бошқача бўлганда, улар биринчи бўлиб ҳал қилувчи зарба берар эдилар.

Қора фарзин тўрт хил «кишт» бериши мумкин. f1 хонасидан ёки c2 хонасидаги отни ютиб «кишт» бериш яхши эмас, чунки оқлар юриш навбатида бу сипоҳни уриб олиши тайин. Бу хато юришдир.

Қора фарзин e2 хонасидан ёки e4даги филни уриб кишт берса, кейинчалик ютиб чиқиши мумкин. Бу яхши юришдир.

1. ... Fze4-e2+; 1. ... Fzc4:e4+

Агар қоралар g4 хонасидаги отни хоҳлаган хонаг юрса, g7 хонасида турган рухнинг «кўзи очилади» ва оқ шоҳга кишт беради. Буни «очик кишт» дейилади.

Агар отни e3 хонасига юриб кишт берилса, g7 даги рух ҳам, от ҳам зарба остида қолади, яъни рух

шабданинг, от эса оқ отнинг зарбаси таъсирида. Лекин ирни уриб бўлмайди. Чунки икки сипоҳ ҳам бир кінда кишт бераётганлиги боис, фақат шоҳни юриш мумкин. Бу «иккиёклама кишт» дейилади.

1. ... Og4-e3++

Қора от f6 хонасидаги пиёданни уриб олиб кишт бериши ва бирйўла фарзинга ҳужум қилиши ҳам мумкин. Бу ўзига хос иккиёклама зарбадир.


1. ... Og4:

Энди фарзин ёки фил рухнинг «кўзини ёпиб» шитдан қутулиши мумкин. 2. ... Fzh5-g6 ёки 2. Fe4-f6. Қоралар ўз йўл билан фарзинни ютиб олса, моддий тушиликка эришади, яъни куч жихатидан рақибидан ёшиб кетади.

Демак, қоралар кейинчалик ўйинни ютади. Бу ғалаба чун старлидир.

31-шаклда қора шоҳ мот тўрида. Унинг юриш имкониятлари чекланган. Шоҳ ҳозир юра олмайди. Демак, шоҳга «кишт» бериш ва уни мот қилиш учун ишлаблар бор.


Ўз юришида оқлар қора шоҳни беш хил донада:



31-шакл

фарзин, рух, фил, от ёхуд пиёда билан мот қилиш мумкин.

1. Ф3f6- e6 x; 1. Pb8-d8 x;  
1. Фd1-g4 x; 1. c5-c6 x  
Шоҳнинг мот бўлиши – ўйин тугаганлиги билдиради.




32-шакл

32-шаклдаги вазият жуда кизиқдир. Унда юриш кимдан бўлса, шу томон мот қўяди ва ўйинда ғалаба козонади.

Юриш оқлардан бўлса, с3 даги рух с8 хонасидан «кишт» бериб мот қўяди. 1. Рс3-с8 x.

Моддий кучлар тенг бўлса-да, қора шоҳнинг ёмон холати мотга олиб келди. Юриш қоралардан бўлса, улар бошқача усулдан чиройли мот қўяди. 1. ... h2-h1O! x.

Бу кутилмаган юриш ногоҳ оқ шоҳнинг мот бўлишига олиб келди. h2 хонасидаги қора пиёда сўнгги манзилга – биринчи қаторга юрди, отга «айланиб» «кишт» берди ва мот қўйди. Бу топкирликни талаб қилувчи зўр юришдир.




33-шакл


Шоҳларнинг тахта бурчагидаги ҳаракати анча чекланиб қолади. Бундай ҳолатларда мот қўйиш имкониятлари кўпаяди. Шу боис бурчақдаги шоҳнинг химоя кўргони мустахкам бўлиши лозим.

33-36-шаклларда бурчакларда жойлашган шоҳлар исевирланган.

Тахта қирқимларидағи тўртга бурчакда жойлашган шоҳларни бир юришда мот қилиш мумкин. Мот қилиш йўлини ўзингиз топинг.



34-шакл



35-шакл

### ❓ Савол ва топшириклар

1. «Кишт» нима?

2. «Мот» нима?

3. Қуидаги вазиятни таҳтага теринг:

Оқлар: Шс4, Фзс3, Ра7, Фе3, Ое5, п: с6, е6.

Қоралар: Шd8, Фзh3, Ph8, Фg8, Ос8, п:c5, d6.

а) Оқлар қандай юришлар билан кора шоҳга **кишт** берса олади?

б) Қоралар қандай юришлар билан оқ шоҳга **кишт** берса олади? Барча юришларни дафтарга ёзинг.

4. «Кишт»дан қутулишнинг неча хил йўллари бор?


Шу йўлларга доир вазиятларни ўйлаб топинг.

5. Таҳтага теринг:

Оқлар: Шf1, Фзh6, Ра7, Фg4, Og6, п:h3, f6.

Қоралар: Шg8, Фзd4, Pd2, Фe4, Of3, п:f4, g3.

Юриш навбатида оқлар ва қоралар неча хил **мот** кўйишлари мумкин. Юришларни ёзиб боринг.



36-шакл



### Буюк кишилар шахмат ҳақида

*Шахматчи услуги шижиоатли, ютуққа интиливчи  
бұлиши керак. Мен ҳеч қачон курашдан бүйин  
төвламаганман, аксина, ҳар сафар кураш вулқони,  
жирдобы сари ошиқаман – галаба йүлларини излаб  
топиштан ҳеч қачон қайтмаганман.*

Роберт ФИШЕР

### 13-дарс

#### ДУРАНГ

*Жанг тугади. Аёвсиз хукм  
Қолдирмади лашкардан омон.  
Оғир суқунатга гувоҳ икки шоҳ,  
Сулҳ тузишди – охирги битим.*

#### ҮЙИН ОХИРИДА КУЧЛАР ТЕНГЛИГИ

Шахмат мусобакаларыда ғолибга 1 очко, мағлубға 0 очко берилишини яхши биласиз.

Шахматчи ғалабалардан мақтаниб кетмаслиги, маглубиятдан тушкунликка тушмаслиги зарур.

Ҳамма, ҳатто жаҳон чемпионлари ҳам баъзида ютқазиб кўяди. Мағлубиятни мардона қабул қилиш жасурликдир. Ўйиндаги хатоларни аниклаш, қайта такрорламасликка интилиш керак.

Баъзан жангда рақибларнинг кучи тенг келиб қолади. У ҳолда сулҳ тузилади, яъни ўйин дуранг натижа билан тугайди. Рақибларнинг ҳар бирига  $\frac{1}{2}$ , яъни ярим очкодан берилади.


Асосан, уч хил ҳолатларда ўйин дуранг бўлиши мумкин:

1. Вазият тенг бўлса...
2. Пот ҳолатида.
3. Кишти-қойим йўли билан.

Улардан энг оддийси таҳтада ёлғиз шоҳларнинг қолишидир (10-шаклга қаранг).

Ҳар бир шоҳнинг ёнига биттадан енгил сипоҳ кўйилса (от ёки фил) ҳам ўйин дуранг бўлиши муқаррар.

Томонларда ўйин охирида биттадан рух ёки биттадан фарзин қолса ҳам ўйин дуранг бўлади (37-шакл).



37-шакл

Лекин, иккала томон ҳам жуда эҳтиёт бўлиши, тасодифан мот бўлиб қолмаслик ёки сипохни йўқотиб қўймаслик чорасини излаши лозим. Чунки томонлардан бирида ёлғиз рух ёхуд фарзин қолса ёлғиз шоҳга мот қўйиш осон бўлади.

Икки от ва шоҳ ёлғиз шоҳни мот қила олмайди. Буни тажрибангиз ортиши билан тушуниб оласиз. Шахмат «жанглари» якунида, яъни ўйин охирида бундай ҳолатларни эътиборда тутиш зарур.

### ② Савол ва топшириқлар

1. Тахтага шоҳларни ва биттадан фарзинни қўйинг. Дўстингиз билан шу вазиятни 10-юришга қадар ўйнаб кўринг.

2. Сўнгра фарзинлар ўрнига биттадан рухни қўйиб ўйнаб кўринг. (Масалан, 37-шаклдаги вазиятни).

Енгил сипоҳ ва шоҳ рақиб шоҳини мот қила олмаслигини тахта бурчагида текшириб кўринг.

### ➊ Буюк кишилар шахмат ҳакида

*Шахмат масаввуримда узлуксиз кураш майдонига ўхшайди. Мен учун шахматнинг спортга хос қирралари муҳимроқ. Рақибни енгиб чиқиши энг мақбул йўлдир, мен ҳар бир ўйинда айнан шунга – галабага интиламан.*

Анатолий КАРПОВ

## 14-дарс

### ПОТ

*Рақиб кучи зиёда,  
Мақсади – «бұғиқ» мотдиr,  
Курбон бұлди пиёда,  
Энди иложссиз, потдиr!*

Пот бу – дурангнинг үзига хос күринишидир.  
38-шаклдаги вазиятни күриб чиқамиз.



38-шакл

Юриш оқлардан бұлса, үйин дуранг. Чунки тахтада пот ҳолати. Қандай қилиб? Ахир, кораларда фарзин, рух, фил бор-ку?


Моддий устунлик қоралар томонида бүлгач, ғалаба ҳам уларда бўлмайдими? Йўқ.

Бир қарашда ноҳақлиқдек туюлади, лекин шахмат коидаларига тўла мос келади.

Вазиятдаги муҳим хусусият шундаки, оқ шоҳ атрофидаги саккизта катакнинг барчаси ҳужум остида, лекин шоҳнинг үзи дахлсиз, яъни унга «кишт» эълон

қилинмаган. Шоҳнинг «кишт» бўладиган хонага ўтиши мумкин эмас.

Шахматда баъзан шунақаси ҳам бўлади. У ўз кучингиз ва имкониятларингиз билан мақтанмасликка ўргатади. Ҳар қандай ишда дикқат, аниқ ҳисоб зарур. Эҳтиёtsизлик, пала-партишлик ҳаётда ҳам, шахматда ҳам муваффакият келтирмайди.



39-шакл


39, 40-шаклларда тахта икки қисмга ажратилган.

Чап қанотдаги вазиятда юриш қоралардан бўлса, пот ҳолати. От ҳам, фил ҳам юриши мумкин эмас, чунки кора шоҳ «кишт» зарбаси остида қолади. Демак, ўйин пот бўлди, дейилади.


Ўнг томондаги ҳолатда тахтада оклар фарзинни ёхтиёtsизлик килиб g3, g5 ёки g7 хоналаридан бирига юрса, ўйин пот бўлади.

Агар ок шоҳ f2 ёки f1 хоналарига ўтса ҳам пот бўлади.

Баъзан ўйин охирларида кучсиз томон атайин пот ҳолатини келтириб чиқаришга ҳаракат қиласди.



40-шакл



41-шакл

41-шаклдаги вазиятда оқлар катта устунликка эга. Лекин юриш қоралардан. Улар a7даги пиёдасини аб га суради ва «қалъа» дарвозаси ёпилади.

Энди юриш навбати оқлардан бўлса ҳам пот ҳолатига тўсқинлик қила олмайди. Улар фарзини билан b6 пиёдасини уриши ва ўйинни давом эттириши мантиқсизлиқdir. У ҳолда қоралар куч жиҳатдан устунликка эришади, ҳатто ғалаба қиласди.

Шунинг учун оқлар пот ҳолатига қаршилик қилмагани маъқул. Демак, пиёдани суриш энг яхши ва кучли юриш экан. Ёзувда буни қайд этиш учун ундов белгиси ишлатилади.

1. ... a7-a6!

40-шаклдаги вазиятда агар оқларнинг фарзини бўлмаганда эди, улар шоҳни f2 ёки f1 хоналаридан бирига юриб атайнин пот қилган бўлар эди, чунки бошқа юришлар мағлубиятга олиб келади.

1. Шe2-f1! Ёки 1. Шe2-f2!

Бунда рақиб шоҳи кучли томон пот қилинди.


Ўйин охирларида ютқазмасликнинг яна бир чораси курбон бериш йўли билан пот ҳолатига эришишдир.

Курбон – бу сипоҳ ёки пиёдани қўра-била туриб,

шактүрдий тарзда рақиб зарбаси остига юриш ёки зарба  
остида қолдиришдир.

Курбон мақсадсиз бүлмайды.

Пот ҳолатига олиб келадиган бир неча курбон бериш  
шүллари билан танишамиз.




42-шакл

42-шаклда оқ шохнинг бирорта ҳам юриш имконияти  
нүк. Пиёданинг ҳам олди түсилган. Лекин рух бемалол  
ҳаракатланиши мумкин. Агар ўша рух бүлмаганда,  
тактада пот ҳолати содир бўларди. Демак, рухни курбон  
қилиш керак экан.

1. Pf1-f8+! Шg8:f8 пот.

Кора шоҳ ноилож рухни уради ва ўйин дуранг  
булади.

Тўғри курбон бериш – усталиқдир. Агар рух шошма-  
шошарлик билан ўзини f2 ёки c1 хонасида курбон  
килганда пот бўлмас эди.



43-шакл

43-шаклдаги вазиятда эса қора рух с6 хонасида үзини қурбон қиласы. Энди рух урилса ҳам, шоҳ b5 ёки a5 хонасига юрса ҳам дуранг бўлади.


1. ... Рc8-c6+!
2. Ш b6:c6 пот.
- Ёки 1. ...Рc8-c6+!
2. Шb6-b5 Рc6:a6
3. Шb5:a6 дуранг

Бу усулни ёдда тутинг. У кўп кўлланилади.

44-шаклдаги вазиятда эса оқлар сўнгги пиёдасини инъом қиласы ва мақсадига эришади.

1. g2-g3+! Шh4:g3 пот
- Ёки 1. ... Фzf4:g3 пот

Агар 1. ... Шh4-q4 юрилса, 2. g3:f4-дуранг, чунки ёлғиз от билан мот қилиб бўлмайди.



44-шакл

### Савол ва топшириқлар

1. Пот ҳолатида нега ўйин тўхтатилади?

2. Тахтага теринг.

Оқлар: Шh4 p:g5, h2

Қоралар: Шf4, Фe5, p:f5, g6

Юриш оқлардан. Қандай юриш керак? Нега?

3. Қурбон нима?

4. а) фарзинни; б) рухни; с) отни; д) филни;
- с) пиёдани қурбон қилиб пот бўладиган вазиятни мустақил тузишга ҳаракат қилинг. Дафтарга ёзиб боринг.

### Буюк кишилар шахмат ҳақида


*Борди-ю, мен тўсатдан кимсасиз оролга тушив қолгудай бўлсан, ишни ўзимга шахмат ясайдан бошлардим.*

Гарри КАСПАРОВ

## КИШТИ-ҚОЙИМ УСУЛИ

*Киши! Яна киши!  
Фарзин хужумдан толмас,  
Рақиб-чи, ҳеч мот булмас.  
Шоҳлар тузишар битим –  
Майдонда – киши-қойим!*

Дуранг килишнинг учинчи йули киши-қойим деб юритилади.



45-шакл


45-шаклдаги вазиятни таҳлил киламиз. Оқ шоҳ мот исканжасида. Фарзинни бериб пот килишнинг иложи йўқ, чунки b3 пиёдаси юриш имкониятига эга. Лекин оқлар киши-қойим, яъни доимий киши бериш йули билан ўйинни ютқазмай, дуранг килади.

- |             |        |
|-------------|--------|
| 1. Ф3d4-d7+ | Шb7-b8 |
| 2. Ф3d7-d8+ | Шb8-b7 |
| 3. Ф3d8-d7+ | Шb7-b8 |
| 4. Ф3d7-d8+ | Шb8-b7 |
| 5. Ф3d8-d7+ |        |

Фарзин мот қила олмайди, лекин шоҳ ҳам киштдан қутулиб кета олмайди. Агар юришлар ва тахтадаги вазият уч марта тақорорланса, ўйин дуранг ҳисобланади.

Киши-қойим тажрибада кўп учрайдиган усуладир.

46-шаклда киши-қойим қилишга оид мисол келитирилган. Қора шоҳ мот исканжасида. Лекин химоя бор, у киши-қойим усулидир:



46-шакл

1. ... Оe1-g2+!
2. Шh4-h5 Og2-f4+!
3. Шh5-h4 Of4-g2+
4. Шh4-h3 Og2-f4+
5. Шh3-h4 Og4-g2+ дуранг.

42-шаклдаги вазиятда g6 ва g7даги пиёдаларни мос келди г5 (оқ), d6 (қора) катакларида жойлаштирасак, оқлар пот қилиш ҳамда киши-қойим усулини бирйўла кўллай олади.


- |   |         |
|---|---------|
| 1. Рf1-f8+!   | Шg8-g7! |
| Рухни уриш потга олиб келишини яхши биласиз.  |         |
| Энди 2. Рf8-g8+? хато. Қора шоҳ кишилардан қутулиб кетади. Буни ўзингиз кўриб чиқинг. |         |
| 2. Рf8-f7+!   | Шg7-g8! |

3. Pf7-f8+! Шg8-g7!

4. Pf8-f7+! дуранг.

Шох киши-қойим тұртбұрчагидан чикиб кетолмайды. Бундай вазиятларда рухни «құттурған рух» деңгам аташади.

47-шаклдаги вазият бироз бошқача. Оқ шох бевосита мот хавф солаётганилиги йўқ. Лекин моддин устунлик қоралар томонда. Бинобарин, улар келажак дағолиб чиқиши мумкин. Оқлар киши-қойим усулида фойдаланиб дурангга эришадилар.



47-шакл

1. Фd3:h7+ Шg8-h8

2. Фh7-f5+ ...

Очиб кишт берилди. Филни қия йўлакдаги хоҳлаган хонага юриб кишт бериш мумкин.

2. ... Шh8-g8

3. Фh7-f5+ Шg8-h8

4. Фh7-d3+ дуранг.



### Савол ва топшириқлар

1. Киши-қойим нима?

2. Куйидаги вазиятта киши-қойим қилиб бўладими?

Оқлар: Шb1, Ф3d3, п: c2, b3.

Қоралар: Шa8, Ф3b8, Pa7, c3, b4.

Юриш оқлардан: Шеригингиз билан шу вазиятни ўйнаб кўринг. Дафтарингизга вазиятни, юришларни сабаб олинг.



### Буюк кишилар шахмат ҳақида

*Болалигимда ракибни факат тахта узра енгиси шурурлигини яхши тушунар эдим. Ҳозир ҳам болаликдаги бу мантиқий фикрнинг нақадар тўгри қаплигига шубҳа қилмайман.*

Александр ХАЛИФМАН

### 16-дарс

## ЁЛҒИЗ ШОҲНИ МОТ ҚИЛИШ


*Ёлғиз шоҳ ўйга толди:*

*Қайдадир најсом?*


*Қайда қолди рух, фарзин*

*Ёхуд учкур от?*


Ўйин охирида ёлғиз шоҳни мот қилишнинг ўзига хос усуслари бор. Бу усусларни ҳар бир шахматчи яхши билиши шурур. Чунки ёлғиз шоҳни мот қилиш осон иш эмас. Ҳатто шака от ёки фил шоҳнинг ёрдамида ҳам ракиб шоҳини мот кина олмаслиги яхши маълум. Куйидаги вазиятларда оқлар ракиб шоҳини бир неча юришларда мот қилиш имкониятига яга. Уларни топишга ҳаракат қилиб кўринг.




*Бир юриида мот*



*Икки юриида мот*



*Икки юриида мот*



*Уч юриида мот*

## 17-дарс

### ФАРЗИН БИЛАН МОТ ҚИЛИШ

*Энг кучли сипоҳ,  
Фарзин ҳам гоҳи,  
Шоҳдан мадаҳ сўрар  
Кийналган чоги.*

Фарзин жуда кучли сипоҳ. Лекин ўйин охирида унинг бир ўзи ёлғиз шоҳни мот қила олмайди. Ҳал килувчи пайтда унга ўз шоҳи ёрдам беради.

48-шаклдаги вазиятни таҳлил қиласиз.

Қора шоҳ марказда турибди. Унга кишт бериб кўрамиз.

1. Фзb3-b5+ Шe5-e4
2. Фзb5-b4+ Шe4-e5


Демак, кишт бериш усули ҳеч нарсани ўзгартирмас экан. Маълумки, шоҳнинг саккиз томонга юриш имконияти бор. Марказда фарзин (ҳатто шоҳнинг ёрдамида ҳам) бирийула саккиз катакни ҳамда шоҳ турган тўққизинчি катакни зарба остига ололмайди. Демак, шоҳнинг йўлини кирқиши, уни тахтанинг туртга бурчагидан бирига қувиб бориш керак ёкан. Чекка қаторлар ёки йўлакларда ҳам шоҳни мот қилиш мумкин. Чунки, у ҳолларда ҳам шоҳнинг юриш имкониятлари камайишини яхши биламиз (10-шаклга қаранг).

Энди бошқа йўлни танлаймиз (48-шакл).

1. Фb3-d3!

Қора шоҳнинг қочиш йўллари камайди. Шоҳ d йўлагига ўғолмайди.

1. Фзb3-c4 ҳам яхши юришdir.
1. ... Шe5-e6
2. Фзd3-d4! Шe6-f5
3. Фзd4-e3! ...



48-шакл

Қора шоҳ сиртмоқдан чикиб кетишига талпинаяшти.  
Аммо фарзин йўлларни тобора камайтириб бормоқда  
Эътибор беринг, фарзин ва шоҳ ўртасидаги масофа оғи  
юришига тенг.

- |            |        |
|------------|--------|
| 3. ...     | Шf5-f6 |
| 4. Фзe3-e4 | Шf6-f7 |

Ночорлик. Агар шоҳ g5 хонасига ўтса, фарзин оғи  
юриш масофасини f3 хонасига ўтиб саклади.

- |            |        |
|------------|--------|
| 5. Фзe4-e5 | Шf7-g6 |
| 6. Фзe5-f4 | Шf6-g7 |
| 7. Фзf4-f5 | Шg7-h6 |
| 8. Фзf5-g4 | Шh6-h7 |
| 9. Фзg4-g5 | Шh7-h8 |

Нихоят, қора шоҳ бурчакка мажбуран олиб келинди.  
Энди фарзин шошмашошарлик билан g6 хонасига ўтса,  
пот бўлади. Демак, мот қилиш учун шоҳнинг мадади  
шу ерда керак бўлади.

- |              |        |
|--------------|--------|
| 10. Шh1-g2 ! | Шh8-h7 |
| 11. Шg2-f3 ! | Шh7-h8 |

Қора шоҳнинг кутишдан бошқа чораси йўқ.

- |                |        |
|----------------|--------|
| 12. Шf3-f4     | Шh8-h7 |
| 13. Шf4-f5     | Шh7-h8 |
| 14. Шf5-f6     | Шh8-h7 |
| 15. Фзg5-g7 x. |        |

Оқ фарзин ва шоҳ ҳамкорликда қора шоҳни енгдилар.  
Шахматда дўстлик, ҳамжихатлик қадрланади. Хеч  
качон шошилмаслик зарур.

Мот қилиш усууларини умумлаштириш мумкин.  
Кўп ҳолларда қучли шахматчилар ўйин пайти умумий  
режа тузадилар.

**ЎЙИН РЕЖАСИ** — ўзининг ҳаракатлари тартибини  
аниқлаб олишдир.

Яхни шахматчи маълум вазиятда режа асосида  
шайди. Шунда яхши юришларни топиш ҳам  
жонлашади.

Эди фарзин билан мот қилиш режасини тузиб  
трайлик:

1. «От юриши» ёрдамида фарзин рақиб шоҳини  
хатта бурчагига сиқиб боради.
2. Фарзин рақиб шоҳига 2-3 катакни ҳаракат учун  
подирган ҳолда, четки қаторда ёки йўлакда ушлаб  
турди.
3. Кучли томоннинг шохи ёрдамга боради.
4. Рақиб шоҳи мот қилинади.

### Савол ва тошириқлар

1. Нега ёлғиз шоҳни фарзиннинг ўзи мот қила  
майди?

2. Тахтага теринг.

Оқлар: Шa1, Фzb1, Қоралар: Шh2.

Оқлар биринчи бўлиб қандай юриши керак?

3. Тахтага теринг.

Оқлар: Шh8, Фzg2. Қоралар: Шc1

Қора шоҳни неча юришда мот қилиш мумкин?

Низиятни, юришлар тартибини ёзиб олинг.

### Буюк кишилар шахмат ҳақида

*Шахматни яхши ўйнайдиган одамларга ҳавасим  
бекади. Улар тахта узра ижод қилганларида  
чинакамига истеъододли рассом, мусиқачи, артист  
диражасига кўтариладилар; эстетик бойликлар  
иратадилар.*

*Шахмат партиясини худди шеър эшиштганда  
ажойиб сурат ёки театр спектаклидек томони  
қиласа бўлади.*

Чингиз АЙТМАТОВ


## 18-дарс

### РУХ БИЛАН МОТ ҚИЛИШ

*Рухларнинг бири ўнгдадир,  
Бириси – сўлда,  
Бироқ фикру мақсадлари  
Энг тўғри йўлда.*

### ЧИЗИҚЛИ МОТЛАР

Аввалига икки рух билан мот қилиш йўлини кўриб ўтайлик. Икки рух шоҳни ўз шохининг ёрдамисиз ҳам мот қила олади (49-шакл).



49-шакл

1. P a1-d1 ! ...

Яхши юриш. Ракиб шоҳи «h» четки йўлагига яқин. Шу монга таъқиб бошланади. Ҳозир «d» йўлаги «қирқиб» ёнилади.

1. ... Шe5-e4
2. Ph2-e2+ Шe4-f3
3. Pe2-e8 Шf3-f2
4. Pd1-d7 ! ...

8-қаторда бошка рух бор. Иккинчи рух унга халақит праслик учун 7-қаторда туриб, йўлак «қирқиши»да ишом этади. Шахматда сипоҳлар бир-бирларига ёрдам бериши зарур.

4. ... Шf2-f3
5. Pd7-f7+ Шf3-q4
6. Pe8-g8+ Шg4-h5
7. Pf7-h7x.


Рухлар галма-гал кишт бериб, қора шоҳни четки йўлакка сиқиб келди. Бу мот чизиқли мот дейилади. Чунки рухлар тўғри чизиклар бўйлаб харакат қиласи.

Бошланғич вазиятда қора шоҳни 8-қаторга «кувиб» мот қиласа ҳам бўлади. Буни ӯзингиз синаб кўринг.

Ёлғиз шоҳни битта рух билан мот килиш мураккаброқ. Унда шоҳнинг ёрдамига таянилади. Мот ҳар галгидек ташта четида кўйилади. Лекин шоҳни қандай килиб «кувиб» бориш мумкин? Бунинг учун «қарши ҳолат» (оппозиция) усулидан фойдаланамиз.

**ҚАРШИ ҲОЛАТ** – икки шоҳнинг бир-бирига йўлак, қатор ёхуд кия йўлак бўйича қарама-қарши вазиятда туришидир. Агар шоҳлар орасида бир катак мавжуд бўлса, яқин қарши ҳолат ҳисобланади. Агар оралиқда 3 ёки 5 катак бор бўлса, узоқ қарши ҳолат дейилади.

50-шаклда шоҳлар қарши ҳолатда турибди. Айнан мана шундай вазиятларда якка рух «кишт» бергани маъқул.



50-шакл

1. Рb1-b5+ ...

Бундай вазият якка рух билан мот килиш учун ўзига хос «калит»дир. Энди кора шоҳ тахта чети томон бир қатор чекинишига мажбур.

1. ... Шe5-f6

Кора шоҳ карши ҳолатдан бирйула қочмоқда. Энди рух b6 хонасидан кишт берса, яна бешинчи қаторга ўтилади.

2. Шe3-e4! ...

Бу юришда гап кўп. Оқлар кора шоҳни қарши ҳолатда туришга мажбур қилмоқчи. Сехрли «от юриш» усули яна иш бермоқда.

2. ... Шf6-g6

3. Шe4-f4!              Шg6-h6

4. Шf4-g4              Шh6-g6

Яна қарши ҳолат! Кишт берса бўлади.

5. Рb5-b6+              Шg6-f7

6. Шg4-g5!              Шf7-e7

7. Шg5-f5              Шe7-d7

8. Шf5-e5              Шd7-c7

Таъқиб давом этмоқда. Ҳозир рухга ҳамла қилинган.

Рух узоқда тургани маъкул.

9. Рb6-h6!              Шc7-d7!

10. Ph6-g6! ...

«От юриш» ҳолати саклаб қолинди. Кутувчи юриш шох беришдан афзал.

10. ... Шd7-c7

11. Шe5- d5      Шc7-b7

12. Шd5-c5Шb7-a7

13. Шc5-b5Шa7-b7 (қарши ҳолат!)

14. Pg6-g7+      Шb7-a8

15. Шb5-b6      Шa8-b8

Шох охирги қаторда. Мот килса бўлади.

16. Pg7-g8 x.

Бу қоидани ёдда тутинг. Агар кучли томон 50 юриш шохомида ёлғиз шоҳни мот қила олмаса, ўйин дуранг шигижа билан якунланган ҳисобланади. Шу боис секорчи юришлар қилишдан тийилиш зарур. Максадли, режали ўйин ғалаба келтиради.

### ② Савол ва топшириклиар

1. Рух билан мот қилиш режасини тузинг.

2. «Қарши ҳолат» нима?

3. Бир томондан шоҳ ва рух, иккинчи томонда ёлғиз шоҳ қолган турли вазиятларни тахтага териб, шеригингиз билан ўйнаб кўринг. Бир гал кучли, иккинчи гал кучсиз томонни бошқаринг.

4. Қуйидаги вазиятларда икки юришда кучсиз томон мот бўлади.

Шуни топинг.

а) Оқлар: Шd6, Рc3, Қоралар: Шe8.

б) Оқлар: Шe4. Қоралар: Шd6, Pf8, Pa1.

Юришни кучли томон бошлайди. Вазият ва юришни ёзиб боринг:



## Буюқ кишилар шахмат ҳақида

*Шахмат менга илҳом беради, яхши дам оламан.  
Ана шунинг учун ҳам мен шахматни қадртайман.*

Д. ШОСТАКОВИЧ

### 19-дарс


#### ИККИ ФИЛ БИЛАН МОТ ҚИЛИШ

*Икки фил бамисли икки баҳодир,  
Шоҳ билан бирлашса, кўп ишга қодир.*

Шоҳ билан фил ёки шоҳ билан от ёлғиз шоҳни мот қила олмайди. Бундай вазиятлар рўй берса, ўйин дурані бўлган ҳисобланади.

Икки фил эса шоҳ ёрдамида ёлғиз шоҳни мот қилишга қодир.

51-шаклдаги вазиятни кўриб чиқайлик.



51-шакл

1.  $\Phi f1-h3!$

Филлар ёнма-ён жойлашса худди рухлар каби шоҳни

бүрчакка қувиб бориши мумкин. Фақат бу усул қия пұлаклар бўйича рўй беради.

1. ... Шf6-g5

2. Фh2-g3 ! ...

Энди қора шоҳ филларнинг олдига яқинлаша олмайди.

2. ... Шg5-f6

3. Шd3-e4 Шf6-g5

4. Шe4-e5 Шg5-g6

5. Фg3-h4! ...

Агар рухлар тўғри чизик бўйлаб исканжага олган бўлса, филлар шоҳни учбурчак усулида таъқиб қилмоқда.

5. ... Шg5-h5

6. Фh4-e7 Шh5-g6

7. Фh3-e6 Шg6-h5

8. Шe5-f5 Шh5-h6

9. Фe6-f7 Шh6-g7

Учбурчак торайиб бормоқда. Филлар икки оғайнини ботирлар сингари бир-бирига мадад бермоқда.

10. Фf7-e8 Шg7-h6

11. Фe7-f8+ Шh6-h7

12. Шf5-f6 ...

«От юриш» усули бу ўйин охирида ҳам иш беради. Фақат пот вазиятларидан эҳтиёт бўлиш керак.

12. ... Шh7-g8

13. Шf6-e7 Шg8-h7

14. Шe7-f7! Шh7-h8

15. Фe8-d7 Шh8-h7

16. Фd7-f5+ Шh7-h8

17. Фf8-g7x

Эътибор беринг: Оқ сипоҳларнинг харакати қатъий

режага асосланди. Ҳар бир юриш эса аниқ бир мақса күзлади.

### ❸ Савол ва топшириқлар

1. Тахтага мавзуга доир турли вазиятларни теринг:  
Унда икки фил шохни неча юришда мот қилинген аниқланғ.

2. Вазиятни тахтага теринг:

Оқлар: Шс5, Фd8, Фe8.

Коралар: Шa6.

Етти юришда мот. Юриш оқлардан.

Юришларни ёзіб боринг.



### Буюк кишилар шахмат ҳақида

*Мен учун шахмат – мангу сир, мұъжизадир. ... у –  
қадимий, лекин сира ескирмайдыған үйин. Шахмат  
хеч қандай мукаммаллық өзегарасини билмайди.*

Хуан Хоце АРРЕОЛА


### 20-дарс

#### ИККИ ОТ ШОҲГА ҚАРШИ

*Жанггоҳда сапчийди, депсинади от,  
Хуноби ошади қўёлмайин мот!*

Демак, үйин охирида икки от ёлғиз шоҳга қарши колганда, тўғри химоя кўмагида кучсиз томон дуранг килади.

52-шаклдаги вазиятда қора шоҳага кишт берилди.  
Агар шоҳ бурчакка h8 хонасига ўтса, иккинчи от f7 хонасида мот қиласиди.



52-шакл

1. ... Шg8-h8 ?

2. Og5-f7 x.

Лекин қоралар шоҳини f8 хонасига юриши ва озодликка чиқиши мумкин. Энди қора шоҳ мот бўлмайди.


1. ... Шg8-f8!

Баъзан кучсиз томонга ўзининг пиёдаси халал беради.

53-шаклдаги вазиятни кўриб чиқамиз.

1. Ob5-d6!            Шb8-a8

2. Oe5-e6



53-шакл

Шоҳ бурчакка камалди. Агар еб хонасидаги пиёда бўлмаганда, ўйин пот, яъни дуранг бўларди. Лекин, қоралар ёлғиз пиёдасини суришга мажбур. Бу мотга олиб келади.

2. ...e6-e5

3. Od6-h5! e5-e4


4. Ob5-e7x

Қора пиёданинг юришлари хато эмас, балки ночорликдир. Ўйиннинг қоидаси – шу. Юриш навбатида фойдаси бўлмаса ҳам юриш зарур.

Бундай ночор вазиятларда мажбурий юриш қилиш ЦУГЦВАНГ ҳолати дейилади.

Икки енгил сипоҳ фил ва от эса ёлғиз шоҳни мот қила олади. Бунинг учун фил қайси рангдаги хоналарда юрса, кучсиз томоннинг шоҳи шу рангдаги бурчакка қувиб борилади.

Тахтада оқ катакли фил бўлса, h1 ва a8 хоналарида, қора катакли фил қолса, a1 ва h8 хоналарида мот қилинади. Бу мураккаб усул билан тажриба ва малака ошгач, танишиб чиқиш тавсия қилинади. Ҳозирча кучсиз томоннинг шоҳи бурчакда жойлашган ҳолатда мот қилиш йўлини кўриб ўтайлик (54-шакл).



54-шакл

1.  $\Phi h2-d6!$


...

Қора шохнинг f8 хонасидан қочиб кетмаслиги учун.

1. ...  $\mathbb{W} h8-g8$

2.  $Og4-h6+$   $\mathbb{W} g8-h8$

3.  $\Phi d6-e5x$



55-шакл

Күйидаги вазиятда ҳам сүнгги босқич – мот қилиш вазияти тасвирланган. (55-шакл). Аввалига мустакил ҳолда уч юришда мот қилиб күринг. Ечими эса күйидагича:

1.  $Oc6-e7!$   $\mathbb{W} a8-a7$

2.  $Oe7-c8+$ !  $\mathbb{W} a7-a8$

3.  $\Phi d3-e4 x.$

Ёлғиз шохни керакли бурчакка жалб қилиш осон иш эмас. Хатто, таникли шахматчилардан бири 50 юришида ҳам бу вазифани уддалай олмаган ва үйин дуранг бұлған зди. Үйиндан сүнг у: «Мен-ку, уни бурчакка кувдим, бирок шоҳ керакли жойга бормаяпти-да!» деган экан.

### ❸ Савол ва топшириқлар

1. Күйидаги вазиятни таҳтага теринг:

Оқлар: Шf7, Ob1, Og5. Қоралар Sh8, п:a

Оклар бошлаб, ютади. Шу йүлни топинг.

2. Оқлар бошлаб уч юришда мот қиласы.

Оқлар: Шe7, Фb2, Oh6; Қоралар: Шh8, п: g7, h7

## Буюк кишилар шахмат ҳақида

*Шахмат үйини шунчаки бекорчиликдаги эрмак эмас. Бу үйин ақтнинг бир қанча энг муҳим фазилатларини тарбиялайди ва фазилатлар шундай мустаҳкамланадики, улар инсон ҳаётида ҳам яхши одат тусига кириб қолади.*

## Бенжамин ФРАНКЛИН

21-дарс

## ШОХ ВА ПИЁДА ШОХГА ҚАРШИ КВАДРАТ ҚОЙДАСИ


*Түгри юрувчи пиёда муродга етди,  
Фарзинга айланиб шохни мот этди!*

Шундай шахмат «жанглари» бўладики, иккала шоҳнинг қўриқчилари – саркардаларию сипоҳлар, отлару филлар барчаси қурбон бўлади. Шоҳларнинг бири ёлғиз, бирида эса яккаю ягона аскари – пиёда қолади. Хўш, бу ҳолларда «жанг» натижаси қандай тугайди? Бигта пиёда ғалаба учун етарли бўладими?

Келинг, буни шахмат таҳтасида синааб қурайлик.

56-шактадаги вазиятда оқ пиёда охирги қаторга етиб олиши, шундан сүнг фарзин ёки рухга айланиб қора

шоҳни мот қилиши мумкин. Демак, пиёда олдинга, қора шоҳ эса уни қувиб етишга интилади. Бундай вазиятларда квадрат қоидасига амал қилинади. КВАДРАТ – бу барча гомонлари тенг бўлган тўғри тўртбурчак. Масалан, шахмат тахтасининг бўйи ва энида саккизтадан катак бор. Демак, бу квадратdir. Олди очик пиёданинг квадрати унинг охирги қаторга етиш чегараси билан ўлчанади. Бу масофа қанча бўлса, ён томондан ҳам шунча катак саналади. Бу унинг квадратидир.




56-шакр

56-шаклда пиёданинг квадрати a5-a8-d8-d5 түртбурчагидан иборат. Буни аниқлашнинг энг осон йўли – пиёда турган хонадан охирги қаторга қадар бўлган кия йўлакни аниқлашдир.

Бу a5-d8 қия йўлагидан иборат. Агар юриш навбатида қора шоҳ пиёданинг квадратига кирса, демак, у пиёдага стиб олади ва ўйин дуранг бўлади.

1. ... Ше4-д5!  
 2. а5-а6                    Шd5-с6  
 3. а6-а7                    Шс6-б7  
 4. а7-а8 Фз                Ш b7:а8  
 дуранг.

Лекин юриш оқларда бўлса, шубҳасиз пиёда фарзинга чикишга улгуарар эди.



57-шакл

57-шаклдаги вазиятда эса оқ шоҳ h7 пиёдасининг квадратида. Лекин, юриш коралардан бўлса, шоҳ уни қувиб ета олмайди. Гап шундаки, бошлиғич ҳолатдан пиёда бирйўла икки хона сурилиши ва квадрат чегарасини кескин кисқартириши мумкин.

1. ...h7-h5!

Энди квадрат h5-h1-d5-d1 тўртбурчагидан иборат. Шоҳ ўз юришида бу оралиқка кира олмайди.

2. Шb7-c6                h5-h4

3. Шc6- d5                h4-h3

4. Шd5-e4                h3-h2

Пиёда манзилига «эсон-омон» етиб олади.

Шундай ҳолатлар бўладики, шоҳ квадратда бўлсада, ракиб пиёдасига ета олмайди. Сабаби, йўлда шоҳга ўз пиёдаси тўғаноқ бўлади.


58-шаклда гарчи қора шоҳ «чегара» бўлса-да, оқ пиёдага етолмайди.

1. h4-h5                Шe4-e5

2. h5-h6                ...

Энди пиёдани йўлдан «олиб ташлаш» (f6-f5) ёки уни айланниб ўтиш учун (Шe5-e6) вақт талаб этилади.

ВАҚТ – шахматда юришлар билан ўлчанади.



58-шакл

Қўшимча юриш қилиш – суръат йўқотишдир.

2. ... Шe5-e6 (ёки f6-f5)

3. h6-h7    Шf6-f7

4. h7-h8    Фз...

### ② Савол ва топшириклар

1. Квадрат нима? У қандай аниқланади?

2. Қуйидаги вазиятда юриш қоралардан. Оқлар: Шh1, пиёда-a2. Қоралар: Шh8.

Үйин қандай тугайди?

3. Шахматда Вақт қандай ўлчанади?



### Буюк кишилар шахмат ҳақида

*Шахмат – бу ақлнинг қўйма тошидир.*


И. ГЁТЕ

## 22-дарс

### МОТМИ, ПОТ?

*Пайт пойлар оқ шох,  
Кутар қора шох,  
Тоқати тоқ бүлди  
Пиёданинг ҳам.  
Хужумга ташланди,  
Пот бүлди, ногох!*

КВАДРАТ коидасида ёлғиз пиёданинг ўзи ракиб шохи билан курашди. Агар иккала шох ҳам ниёдага якин бўлса, квадрат усули ўз аҳамиятини йўқотади. Ҳамма гап шоҳлар эгаллаган карши-холат вазиятига боғлик бўлади.



59-шакл

59-шаклда оқ пиёданинг тақдири юриш навбатига ҳам боғлик. Юриш оклардан бўлсин.

1. d6-d7+ Шe8-d8

2. Шe6-d6 пот

Йўқса, оқ шоҳ пиёдани ҳимоялашдан воз кечиши зарур. Унда ҳам дуранг бўлади.


Юриш коралардан бўлганда эса оқлар ютади ва пиёда фарзинга чиқади.

1. ...            Шe8-d8
2. d6-d7        Шd8-c7
3. Шe6-e7        ...

Кўриб ўтилган мисолдан икки шоҳ карши ҳолатда турган эди. Бундай вазиятларда юриш навбатини ракибга бериш жуда муҳим саналади. Шунда рақиб шоҳи ўзи эгаллаб турган кулай хонани ташлаб, ёмон хонага ўтишга мажбур бўлади. Юриш коралардан бўлганда, улар карши ҳолатдан чиқиб кетишга мажбур килинади. Юриш оқлардан бўлганда, ўз навбатида улар қулай вазиятни кўлдан беришди. Мабодо, оқлар бошқача ўйнаганда, коралар эҳтиётлик билан дурангга эришиши мумкин.

1. Шe6-e5    Шe8-d7
2. Шe5-d5    Шd7-d8!

Бу узок қарши ҳолатни эгаллашдир. Энди юриш навбати оқларда. Агар шоҳ еб хонасига ўтса, қора шоҳ e8 хонасини, сбга карши эса, мос ҳолда c8 хонасини эгаллайди. Натижада биз кўриб ўтган ҳолат такрорланади.



60-шакл

60-шаклдаги вазиятни күриб чиқайлик.

Агар оқлар күр-күрона 1. e5-е6 юрса, қора шох e7 хонасига ўтади ва ўйин дуранг бўлади.

Лекин, оқ шоҳнинг фаоллиги ва зарур хоналарни банд килиши муҳим аҳамиятга эга.

1. Шd5-d6! ...

Оқ шоҳ бирйула d7 га ўтиб, e8 хонасини назорат остига олмоқчи ва ёлғиз пиёда хавф-хатарсиз манзилга етади.

1. ...Шf7-e8!

2. Шd6-e6! ...

Қарши ҳолат эгалланди! Агар бунинг ўрнига пиёда олтинчи қаторга сурилганда, юкорида күриб ўтган вазиятга ўхшаш ўйин бўлар эди.

Энди эса қора шоҳ муҳим хонани тарқ этади ва оқлар ютади.

2. ...Шe8-d8

3. Шe6-f7 ...

Биз күриб ўтган вазиятлар пиёдали ўйин охирларининг энг муҳим қисмидир.

Агар тахтада четки пиёдалардан бири қолса, қарши ҳолат қоидаси ўз аҳамиятини йўқотади.


Тахта бурчаги рақиб шоҳини пиёданинг олдидан сиқиб чиқаришга имкон бермайди. Ўйинда пот ҳолатига имкон кўпаяди.

61-шаклдаги вазиятда юриш кимдан бўлса ҳам ўйин дуранг бўлади.

1. Шb6-a7

...

Пиёда фарзинга чиқадиган хонани назоратга олиш ғалаба келтирас эди. Лекин чекка йўлаклар бундан мустасно.



61-шакл

1. ... Шc8-c7

2. a5-a6 Шc7-c8

3. Шa7-a8 ...

Ёки шоҳ ӯб6 хонасига ўтса, қора шоҳ b8 га ўтади ва ўйин пот бўлиши мумкин. (4.a7 Шa8!).

3. ... Шc8-c7

4. a6-a7 Шc7-c8

ўйин пот бўлади.

«ПИЁДАЛАР – ШАХМАТНИНГ ЖОНИДИР»  
– XVIII асрда яшаган машҳур француз шахматчиси  
Филидор пиёдаларга шундай баҳо берган эди.

Дарҳақиқат, пиёдали ўйиннинг охирги босқичи  
мураккаб, шу билан бирга қизикарли якундир.

## ?(?) Савол ва топшириқлар

1. Карши ҳолат қоидаси нима?

2. Тахтага теринг. Оқлар: Шg4, п:a4, Коралар: Шg7,  
п: a5.

Юриш оқлардан. Ўйин қандай яқунланишини таҳлил  
қилинг. Вазиятни ва юришларни ёзib қўйинг.

3. Оқ шоҳни a1 хонасига қўйинг. У a7 хонасига йўлак

бўйлаб юришда етиши маълум. Агар шоҳ фақат кора катакларда («d» йўлагигача) юрса, шу хонага неча юришда етиб келади? Нега шундай? Уч хил йўналишни дафтарда чизикларда кўрсатинг.



### Буюк кишилар шахмат ҳақида

*Мен ҳаётимни шахматсиз тасаввур эта олмайман. У ажойиб ҳордиқ манбаи, ўйин жараёнида мия, онг ўзига хос равишда ҳаракатга келади.*

Лев ТОЛСТОЙ

23-дарс

### ЎЙИННИНГ БОШЛАНГИЧ ҚИСМИ

Дебютнинг уч қоидаси

E2-e4!

*Жангни бошлаб берди жасур пиёда,  
Сафарбар этилди филлар бир ёнда.  
Шоҳ қанотдан паноҳ топгани замон  
Учкур от талпинди марказга томон.  
Жангда инок бўлиб*

*лашкарнинг бари  
Зўр қадам қўйдилар галаба сари.*

Хурматли ўқувчи! Сиз бошланғич шахмат қоидалари ва мот қилиш усуллари билан танишиб чиқдингиз.

Демак, энди сиз шахмат ўйнашни ўрганиб олдингиз.

Кизиқарли ва ақлли ўйин – шахматни яхши ўзлаштириш, юкори спорт натижаларига эришиш учун яна нималарга эътибор бериш керак? Ўйин бошида қандай юришлар қилиш керак? Бу саволлар ҳар бир ҳаваскор шахматчини ўйлантириб қўяди.

Маълумки, ўйин бошида икки томонда ҳам имкониятлар тенг бўлади (7-шаклга қаранг).

Оқ ва қора доналар тенг худудга, симметрик ҳолатга эга бўлади. Тўғри, оқларнинг кичик устунлиги мавжуд. Бу биринчи бўлиб юриш қилиш ҳуқуқидир. Бу устунлик сезиларлими?

Ўйинлар тажрибаси шуни кўрсатадики, кучли усталарнинг учрашувларида оқларнинг устунлиги маълум вақт сезилиб турса-да, бора-бора коралар ўйинни тенглаштириши мумкин экан. Ғалаба қилувчи томон қайси доналарда ўйнашидан катъи назар билими, маҳорати туфайли устун келади. Бошловчи шахматчилар ўйин бошида сипоҳларни тезроқ ривожлантиришга ва марказни эгаллашга интилиши лозим.

Ўйин бошига оид бир неча мисолларни кўриб ўтамиш. Юришларнинг тартиб рақамлари оқларнинг юришидан олдин кўрсатиб борилади.

1. e2-e4 e7-e5

Пиёдалар марказда жойлашди ва d5, d4 хоналари назорат остига олинди. Муҳими, фарзин ва филлар учун йўл очилди.

2. Ф3d1-h5 ?!

...

Фарзин кучли сипоҳ. Ҳозир ҳам хужумга чиқиб бирйўла e5 пиёдасига ва қора шоҳга кўз олайтирмоқда. Лекин, қатор тўғри химояланса, фарзиннинг ҳаракатлари беҳуда кетади.

2. ...Ob8-c6!

Сипоҳ ўйинга чиқарилди ва бирйўла пиёда ҳимоя қилинди. Агар қоралар шошмашошарлик билан 2. ... Og8-f6? юриб, фарзинга ҳужум қилганда, пиёда қурбон этиларди – 3. Fzh5:e5

3. Ff1-c4 ...

Энг яхши ҳимоя қарши ҳужумдир. Бунинг ўрнига қора фарзин e7 хонасига ўтса, филнинг йўлини тўсиб қўяди, f6 хонасида эса отнинг жойини банд қиласди.

4. Fzh5-f3 ...

Кизиққон фарзин мот пайида: нишонда яна f7 пиёдаси. Лекин оқлар фарзини чекиниб бир юриш йўқотишга мажбур бўлди. Беҳуда юриш – вақт йўқотишдир. Шахматда вақт – юришлар билан ўлчанишици унутманг.

4. ... Og8-f6!

Яна яхши юриш қилинди. Ривожлантирилган от f7 хонасини тўсиб қўйди.

5. Fzf3-b3 ...

Фарзин ўйин бошида учинчи бор юриш қилмоқда. Заруратсиз бундай юришлар ўрнига тезроқ енгил сипоҳлар – от ва филларни ривожлантирган маъқул. Айни вақтда f7 хонаси учинчи бор нишонга олинди. Лекин, қоралар ҳушёр бўлса, бу ҳамлани қайтариш ҳеч гап эмас. Ҳозир фарзинни e7 хонасига юриш ҳам мумкин. Чунки қора фил g7 хонасига чиқади. Қораларнинг ихтиёрида яна бир йўл – қарши ҳужум бошлаш имконияти бор (62-шакл).


5. ... Oc6-d4 !

6. Fc4:f7 + Шe8-e7

7. Fzb3-c4 b7-b5 !

Қоралар бу юришдан кейин бир сипоҳ ютиб олади.

Чунки фарзин филни химоясиз қолдириб кетишиңа мажбур.



62-шакл

8. Фзс4-с3\* Ше7: f7

Оқ фарзиннинг «тузоклари» иш бермади. Коралар моддий устунликка эришиди.

Үйин бошида томонлар учта асосий қоидага амал қилишлари керак. Булардан биринчиси марказни назорат қилиштирилди.

Кўпинча үйинлар 1. e2-e4 ёки 1. d2-d4

пиёда суришлари билан бошланади. Бу – марказ учун курашнинг энг яхши йўлларидир. (Шунингдек, баъзан 1.c2-c4 каби бошқа юришлар ҳам тажрибада кўлланилади).

Яна бир бошланишини кўриб ўтамиш.

1. e2-e4 e7-e5

2. Og1-f3 Ob8-c6

3. Ff1-c4 Ff8-c5

Иккинчи асосий қоида – сипоҳларни тезроқ ривожлантириштирилди. Биринчи галда ёнгил сипоҳлар үйинга чиқарилиши керак. От ва филлар ҳозир энг яхши хоналарда жойлашиб, марказни назорат қилмоқда.

4. Оb1-c3 Og8-f6

5. 0-0


Учинчи мухим қоида – шохни яшириш, яъни рокировка килиш саналади. Оқ шох ўнг қанотда ўзига хос «саройга» яширинди: уни учта пиёда, от ва рух мустаҳкам қўрикламоқда. Коралар ҳам шундай йўл танлаши табиий. Ўйин ўрталарида шоҳ химояга муҳтож бўлади. Сипоҳлар камайиб, ўйин охирлаганда эса шоҳларнинг мот бўлиш эҳтимоли камаяди ва улар курашда фаол иштирок этадилар.

5. ... O-O

6. d2-d3 d7-d6

7. Фc1- g5 Фc8-e6

Икала томонҳам барча енгил сипоҳларни ўйинга сафарбар килиб, шоҳларни яширишди (63-шакл).



63-шакл

Келгуси режа оғир сипоҳлар -- фарзин ва рухларни қулай хоналарда жойлаширишдан иборат.

Шундан сўнг ўйиннинг бошланғич қисми якунланиб, ўйин ўрталари бошланади.

Ўйиннинг бошланғич қисми дебют (яъни бошланиш) деб аталади.

ДЕБЮТЛАР одатда 12-20 юришлар давом этади.

Ҳар бир дебютнинг ўз номи бўлади. Биз кўриб ўтган бошланиш «Итальянча партия» деб номланган. Чунки, дастлаб бу дебютни итальян шахматчилари ўрганиб чиқишиган ва амалда қўллаган. Шунингдек, бошқача юришлар билан бошланувчи «Испанча партия», «Ҳинд ҳимояси», «Французча ҳимоя», «Икки от ҳимояси» сингари кўплаб дебютлар мавжуд.

Яхши шахматчи бўлиш учун кўпроқ дебютларни билиш керак. Лекин, энг муҳими ўйин бошларидағи асосий коидаларга амал килиш ва уларни қўллашдир. Шахматчи малакаси ошган сайин услубига хос дебютларни мукаммалроқ ўрганиб бориши талаб этилади.


Энди сизга таниш бўлган «Итальянча партия»нинг бошка бир йўналишини кўриб ўтайлик.

1. e2-e4 e7-e5
2. Ogl-f3 Ob8-c6
3. Ff1-c4 Ff8-c5
4. c2-c3 Ob8-c5
5. d2-d3 a7-a6
6. Fc4-b3 d7-d6
7. Ob1-d2 O-O
8. h2-h3 Fc5-a7
9. O-O ...

Ёш ўзбек гроссмейстери Рустам Қосимжонов ўйинларидан бири ана шундай бошланган эди (64-шакл).

(Қосимжонов – Пикет, Вейк-ан-Зее, 1999 йил)

Баъзан ўйинларни ёзишда қисқача ёзувдан хам фойдаланилади. Қисқача ёзувда донанинг дастлаб турган хонаси ёзилмай, қайси хонага юрганлиги кўрсатиласи, холос.



64-шакл

Масалан, юкорида күриб ўтган партия кисқача ёзувда қуидагича ифодаланади.

- |          |            |            |               |
|----------|------------|------------|---------------|
| 1. e4 e5 | 2. 0f3 Oc6 | 3. Фс4 Фс5 | 4. с3 0f6     |
| 5. d3 a6 | 6. Фb3 d6  | 7. Obd2 00 | 8. h3 Fa7. 9. |
| 0-0 ...  |            |            |               |

Энди ўйин бошларида у ёки бу томоннинг хатоси туфайли тез якунланган бир неча партияни күриб ўтайлик. Матнлар кисқача ёзувда берилмоқда.

- |          |            |           |
|----------|------------|-----------|
| 1. e4 e5 | 2. Фс4 Фс5 | 3. Фзh5?! |
|----------|------------|-----------|


Фарзиннинг тезда ўйинга чиқарилиши яхши эмас.

Ҳозир қоралар 3... Фзe7 ўйнаб e5 ва f7 пиёдаларини күриқлаши лозим эди.

- |             |               |
|-------------|---------------|
| 3. ... d6?? | Эҳтиётсизлик. |
|-------------|---------------|

Қоралар e5 пиёдасини ҳимоя қилди.

Лекин, 4. Фз:f7 x мотни «кўрмай» қолиши (65-шакл).



65-шакл


Яна бир мисол:

1. e4 e5. 2. Of3 Oc6. 3. Fc4 Od4 !?

Агар эхтиёж бўлмаса, бир сипоҳ билан дебютда икки-уч юриш қилиш яхши эмас. Айни дамда коралар тузоқ кўймоқда.

4.0: e5 Fзg5 5.O:f7 Fз:g2 6. Pf1 Fз:e4 7. Fe2 Of3 x.

Бу – «Бўғик мот» дейилади (66-шакл).



66-шакл

Доналарни жой-жойига териб яна бир кизик учрашувни томоша киласлил.

1. e4 e5. 2.Of3 d6 3.Fc4 h6 ?!

Бошловчи шахматчилар йўл қўядиган одатдаги хото  
Оқлар икки сипоҳини ўйинга чиқарди, қоралар эса  
эҳтиёжсиз пиёда сурмоқда. Вақтни йўқотмасдан от ва  
филларни ривожлантириш керак.

4. Oc3 Fg4?


Бу эса, оқларга чиройли якунловчи зарбалар бериш учун  
имкон беради. Лекин бу зарбаларни топиш осон эмас:

5. O:e5! F:d1

Энг яхшиси. 5. ... d:e5 ўйнаб. 6.Fz:g4 дан кейин  
пиёдасиз қолиш эди. Аммо бутун бир фарзинни  
олмай бўладими?! Балки оқлар фарзинни унутиб  
колдиргандир?

Йўқ, улар чиройли якун учун энг кучли сипоҳини  
курбон қилмоқда. 6. F:f7+ №e7 7. O:d5 x.

Сиз бу ажиб ҳолатни илк бор қўриб турибсиз (67-  
шакл). Лекин, у икки аср муқаддам 1787 ўйналган.  
Француз шахматчилари Легал ва Сен-Бри учрашуви ана  
шундай якунланган эди. Шундан буён бу ғоя тажрибада  
тез-тез учрайдиган бўлди ва «Легал моти» номини олди.



67-шакл

Қуйидаги киска ўйинлар ҳам тажрибада тез-тез  
учраб туради:

1. e4 c6 2.d4 d5 3. Oc3 de 4. O:e4 Of6 5. Fz e2.

«Тузок қўйилди».

5. ... Obd7? 6. Od6x

Яна бир мисол.

1. d4 d5 2.c4 e6 3.Oc3 Of6 4.Fg5 Obd7 5.cd ed 6.O:d5?

Бу сафар оқлар «тузок»ка илинди.

6. ...Od5! 7.F:d8 Fb4 + 8.Fzd2

Оқлар фарзинни қайтариб беришга мажбур. Энди  
коралардан бир сипоҳ ортиб қолади.

8. ... Fd2 9. Shd2 Sh:d8

## ⌚ Савол ва топшириклар

1. Дебют нима?

2. Ўйин бошларидаги уч асосий қоидадан  
иборат?

3. Марказнинг қандай муҳим томонлари бор?

## 📘 Шахмат тарихидан

Осиё – шахмат Ватанидир. Юртимиздаги қадимги  
одамлар манзилгоҳи Далварзинтепада (Сурхондарё  
вилояти) IV асрга оид шахмат доналари топилган.  
Қарийб бир ярим минг йил аввал Ҳиндистонда бу ўйин  
«Чатуранга» деб аталган. «Чатуранга» тўрт томонда  
үтирувчи ракиблар ўртасида ўйналиб, «Тўрт қўшин»,  
«Тўрт қўр» маъноларини англатган. Доналар ва ўйин  
қоидалари ҳам бошқачароқ бўлса-да, бу хозирги  
шахматнинг дастлабки кўриниши эди.

## 24-дарс


### ОДДИЙ КОМБИНАЦИЯЛАР

*Шахматда бор тарози тоши,  
Яхши билинг сипоҳ қадрини.  
Лек мүқаррар мот бўлса шоҳи,  
Аямангиз руҳу-фарзинни.*

Шахматда чиройли юришлар, кутилмаган қурбонлар ҳамиша қадрланади. У шахматчиларга эстетик завқ беради, яхши кайфият улашади. Шахмат ўйинининг гўзаллиги, айниқса, комбинациялар рўй берганда якқол кўзга ташланади.

КОМБИНАЦИЯ – доналарни қурбон қилиш билан боғлиқ мажбурий юришлардир.

Куйидаги вазиятда кучлар нисбати teng. Лекин оқлар комбинация ёрдамида тезда ғалаба қозонадилар (68-шакл).



68-шакл

1. Фзe4-e8+1

Фарзин руҳдан кучли сипоҳ. Лекин охирги қаторда

химоя заифлашганлиги мот қилиш имконини яратди. Бундай вазиятларда доналарнинг моддий кучидан кўра, аниқ мақсад ва ғоя аҳамиятлироқдир.

1. ... Pd8:e8      2. Re1:e8 x


Бу энг содда комбинациялардан бири. Унинг ғояси рақиб шоҳини мот қилишдан иборат бўлди. Тажрибада шунга ўхшаш комбинациялар тез-тез рўй бериб туради. Комбинацияни умумлаштириш мумкин.

Рақиб шоҳини мот қилиш билан боғлиқ комбинациялар билан танишиб чиқайлик.

**ОХИРГИ ҚАТОР ЗАИФЛИГИ.** Кўп ҳолларда бу комбинация бошлаш учун сабабга айланади. Кўриб ўтилган мисолда коралар саккизинчи қаторни заифлаштириб қўйган эди.

Бу фарзинни қурбон қилиб, мот қилиш ғоясини келтириб чиқарди. 69-шаклдаги вазият эса бироз мураккаб. Чунки унда бир-бири билан боғлиқ мажбурий юришлар кўпроқ.

1. ...      Ф3h5:e2 !  
 2. Pe1:e2      Рс8-c1+  
 3. Фg2-f1      Фf5-h3 !




69-шакл

Бу юришлар албатта, аввалдан ҳисобга олинини керак. Энди мотдан кутулишнинг иложи йўқ.

Бундай мажбурий юришлар кетма-кетлиги ЙЎНАЛИШ деб аталади.

Комбинацияда бир неча йўналишлар бўлиши мумкин. Лекин улар барчаси аввалдан баҳоланиши ва ҳисоблаб чиқилиши керак.

Тажрибада тез-тез учраб турадиган мот турларидан бири – «Бўғик мот»дир. Фарзин ва от иштирокидаги бу мот қизикарлидир (70-шакл).



70-шакл

Оқлар қандай юриш қилиши керак?

Агар 1. Фзf7 + бўлса, шоҳ h8 хонасига ўтади. Лекин оқлар комбинация қилиб, беш юришда мот қўйини мумкин.

1. Фзf4-c4 Шg8-h8

Мабодо шоҳ f8 хонасига ўтганда f7 хонасида мот бўларди.

2. Оq5-f7 +                   Шh8-g8

3. Оf7-h6 ++                 .....

Иккиёклама кишт берилди. Бу жуда зарур юриш эканлиги кейин маълум бўлади.


3. ...                   Шg8-h8

4. Фзс4-g8 + !       Pb8:g8

5. Oh6- f7 x.

Үз сипохлари қуршовидаги шохни ёлғиз от билан бүғиб мот килиш ва фарзин қурбони катта таассурот қолдиради.

«ТЕГИРМОН». Бу комбинация кизик ва ёрқин күринишга эга. Унда ҳужум қилувчи кишт ва очиб кишт бериш йўллари билан ғалаба қозонади.



71-шакл

71-шаклдаги вазиятда qб хонасини кўриклаётган рух йўқотилади ва «тегирмон иш»га тушади.

1. Фзd2:g5 !       h6:g5

2. Pf6:g6 +       Шg7-h7

3. Pg6:e6 ++       ...

«Очиқ кишт». Бирйўла ўлжа йифиш бошланади.

3. ...                   Шh7-g7

4. Рe6-g6 +       Шg7 -h7

5. Pg6:d6 ++       Шh7-g7

Қора шоҳнинг бошқа қочадиган хоналари йўқ. Рухнинг олтинчи катордаги такрорланувчи харакатлари тегирмоннинг айланишини эслатади.


6. Pd6-g6 + Шg7-h7
7. Pg6:c6++ Шh7-g7
8. Pc6-q6+ Шq7-h7
9. Pg6 :b6 ++ Шh7-g7
10. Pb6-g6 + Шq7-h7

Ниҳоят, олтинчи қатордаги «қўлга илинадиган» доналарнинг барчаси ютиб олинди. Энди ов – фарзин орқасидан.

11. Pg6-a6++ Шh7-g7
12. Ra6:a2

Оқлар катта моддий устунликка эришди. Энди ғалаба қилиш кийин эмас.

«ЖАЛБ ҚИЛИШ». Бу ғоя хам ҳужум вактида тез-тез ишлатилади. Унинг мақсади рақиб сипоҳини ўзи учун нокулай бўлган хонага жалб қилишdir.



72-шакл

72-шаклда оқ шоҳ мот тўрида, уни тўғридан-тўғри ҳимоялаш қийин. Лекин оқлар жалб қилиш ғоясидан фойдаланиб, рақиб шоҳини тезроқ мот қилишга эришади.


1. Ф3d5-a8 + ! ...

Яна фарзин ўзини курбон қилмоқда. Мақсад – шоҳни

а8 хонасига жалб қилишдир. Шунда тезроқ мот қилиш учун суръат ютилади.

1. ... Шb8:a8  
 2. Φb5-c6+ Шa8-8  
 3. Pf1-b1 x

Күйидаги вазиятда эса қора шохни мот бүләдиган бурчакка мажбуран етаклаб келиш мумкин (73-шакл).



73-шакл

1. Ф3b3:g8 + !      Шf8:q8  
2. Ph7-h8 + !      Шq8:h8


Кора шохни мот тўрига солиш учун фарзин ва рухнинг баҳридан ўтилди. Энди очиб кишт бериш билан мот қўйиш мумкин.

3.  $\Phi h5-f7 \times$

«ЧАЛГИТИШ». Бундай комбинацияларда ракиб сипохи (пиёдаси) муҳим хонани ёки йўлакни химоялашдан чалғитилади.

74-шаклдаги вазиятда қора шохнинг ҳимоя қўрғони мустаҳкам эмас.

Шохга очык йүлаклар бүйлаб ҳужум килиш мүмкін. Оқ сипохлар фаол жойлашған. Айниңса, б2 хонасидаги фил зүр тазийк күрсатмокта.



74-шакл

Буларнинг барчаси комбинация излаш учун асос бўлади. Вазиятни таҳлил қиласайлик. Агар оқ фарзин г3 хонасидан кишт берса, қора шоҳнинг ахволи янада оғирлашади. Лекин бу муҳим хонани қора фарзин қўриқламоқда. Демак, фарзинни чалғитиш керак экан. Бу қўйидаги комбинацияни боцлаш имконини беради

## 1. Pd1 - 7!

Энди, рух олинмаса, «тегирмон» усули ишга тушади.  
 (1. ... Фзс7-б8      2. Pd7-g7 + Шg8-h8   3. Pg7-g5 x).

1. ...Φ3c7:d7


Оқлар сипоҳ қурбон қилиб, қора фарзинни  
чалғитишиді, энди кишт бериш мүмкін.

2.  $\Phi_3 f2-g3+$       IIIg8-f7

### 3. $\Phi_{3g3-s7x}$

Албатта, комбинация бошлашдан олдин шахматчи бошқа йұналишларни ва охирги ҳолатни хаёлан тасаввурида ҳисоблаб чиқиши зарур. Шундан сұнг, ҳисоб тұғрилигига амин бұлғач, комбинацияни бошлаши керәк.

«ХОНАНИ БҮШАТИШ». Баъзан шундай бўладики, ўзининг сипоҳи мот қилиш учун халал беради. Бунда ҳам курбон бериб, суръат ютиши ва мот қилиш ғояси



75-104K3

1. ...Φd3:h7 +      Шg8-h8  
 2. Φd3-f5 + !      Шh8-g8 +

Аввалига «h» йұлаги тозаланды ва кора филнинг күзи «ёпилди». Энди кишли-қойим усули ёрдамида дуранг қилиш мумкин. Лекин, үйлаб күрамиз. Агар h1 хонасидаги рухнинг үрнида фарзин бүлгандада зди! Демак, h1 хонасини зудлик билан бүшатиш зарур.

3. Ph1-h8+! Шq8-h8

#### 4. $\Phi_{3d1-h1} + \Phi_{4-q3}$

5 Ф3h1; h3 + Шh8-q8

6 Φ3h3-h7 x

Шахмат таҳтасида гүё мўъжиза рўй берганга ўхшайди. Оқлар қалтис вазиятда ғалабага элтувчи ягона йўлни топдилар. Бу комбинация ёрдамида амалга ошиди.



## Шахмат тарихидан

IV-V асрлар. Үрта Осиёда икки рақиб ўртасыда үйналувчи янги ўйин «Шатранг» пайдо бўлди.

64-катакли таҳтада шоҳ, рух, фил, фарзин, от ва пиёдалар жой олди. 550 йиллар шатранж ўйини ҳакида илк маълумотлар таркалди. VII асрга келиб, шахматнинг арабча атамаси шатранж машхур бўлиб кетди. Үрта Осиё халклари орасидан таниқли усталар етишиб чиқди. Улар «Олия»лар деб аталди. Малака жиҳатидан шатранжчилар илк бор тоифаларга бўлинди.


847 йил. Ал-Адлий томонидан биринчи шатранж китоби ёзилди.

## ИККИНЧИ БҮЛІМ


### 1. ТОПШИРИҚЛАР

Хурматли ўкувчи! Сиз шахматнинг сеҳрли олами билан ошно бўлдингиз. Лекин яхши натижаларга эришиш, шахматни чуқурроқ ўрганиш учун ҳали кўп меҳнат қилишга тўғри келади. Зоро, изланиш, меҳнат инсонни кўзлаган максади сари етаклайди.


Энди кучингизни қуидаги топширикларда синааб кўринг. (76–85-шакллар. Келтирилаётган ўнта топшириқда ҳам чиройли комбинациялар яширин. Уларнинг ечимини мустақил топишга ҳаракат қилинг. Барча вазиятларда оқлар бошлайди ва ютади.)




76-шакл




77-шакл




78-шакл




79-шакл




80-шакл




81-шакл




82-шакл



83-шакл



84-шакл



85-шакл

## 2. МУСТАҚИЛ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНГ!

**Ўзбекистон гроссмейстерлари ижодидан**


Хурматли ўқувчи! Сиз шахматнинг сеҳрли оламида илк қадамларни кўймоқдасиз. Шахмат ўйини коидалари ва алифбоси билан ҳам танишдингиз. Демакки, сиз учун, бу қадимий ўйин сирларини чукурроқ ўрганиш, маҳоратингизни ошириш учун йўл очик. Энди сиз мураббийингиз билан (ёки мустакил ҳолда) кучли шахмат усталари, жаҳон/чемпионлари ижоди билан танишишингиз, адабиётлардаги қизиқарли учрашувларни таҳлил қилишингиз мумкин. Бундай мустакил тайёргарлик ёш шахматчилар учун, айниқса, фойдалидир. Қуйида эътиборингизга юртимиздан етишиб чиқкан гроссмейстерларнинг ижодларидан намуналар келтирилмоқда.

## М. ТАЛЬ – Г. АЪЗАМОВ

Биринчи ўзбек гроссмейстери Георгий Аъзамов (1954-1986) кўплаб халқаро турнирларда голиб чиради. Жаҳоннинг саккизинчи чемпиони Михаил Таль кечган учрашув Аъзамовнинг қизғини ва услубидан далолат беради. Ушбу ўйин 1984 йил Россия шахрида ўйналган бўлиб, шу халиса турнир Георгий Аъзамов биринчи ўринни эгалигага эди.

14. ... d5-d4!
15. e3:d4 Фc8-g4
16. g2-g3 Oc6-b4
17. Фb2-a3 Ob4:d3
18. Fa3:d6 Fc7:d6
19. Pd1:d3 Fd6b4
20. Fe2-f1 Fc8-f5
21. Oc3-d1 Ff5:d3
22. Ff1-d3 Of6-d5

Бир неча юришлардан сўнг қоралир қозондилар (0:1).




86-шакер

## С. ЙҮЛДОШЕВ – Н. ДЕ ФИРМИАН

Сандалий Йўлдошев (1968 йили Чирчик шахрида тутишган) Ўзбекистон терма жамоасининг етакчи матчиларидан саналади. У жаҳон олимпиадаларида, биринчиликларида қимматли ғалабаларни қўлга яртило, юртимиз довругини дунёга таратмоқда.

Куидаги учрашув 1996 йили Ереван (Арманистон) шахрида ўтказилган жаҳон олимпиадасида ўйналган. Сандалийнинг ракиби машҳур америкалик гроссмейстер Ник Де Фирмиан эди.

- |              |                            |
|--------------|----------------------------|
| 12. f4-f5    | е6-е5                      |
| 13. Оf3-h4!  | g6-g5                      |
| 14. f5-f6+   | Pf8:f6                     |
| 15. Оe4-f6   | Фзe7:f6                    |
| 16. Рс2-f2   | Фзf6-e6                    |
| 17. Рe1-f1   | Рc8-d8                     |
| 18. Фзg3-f3! | Фe6-d7                     |
| 19. Фзf3-f7+ | Фзe6-f7                    |
| 20. Рf2:f7+  | Шg7-g8                     |
| 21. Oh4-g6   | Оc7-e6                     |
| 22. Og6-e7+  | Шg8-h8                     |
| 23. Рf1-f6   | Коралар таслим бўлди (1:0) |



87-шакл


## Р. ҚОСИМЖОНОВ – Л. ВАН ВЕ

Гроссмейстер унвони энг юкори шахмат ҳисобланади. Халқаро мусобақаларда натижаларга эришган истеъдодли шахмат бундай унвонга сазовор бўладилар. Иктифу шахматчиси, Осиё чемпиони, кўплаб халқаро ғолиби Рустам Қосимжонов эса 18 ёшида тро 25 ёшида жаҳон чемпиони унвонига сазовор

Рустам Қосимжонов 1979 йили Тошкент түғилган. Унинг катта ютуклари ҳали Келтирилаётган партия 1999 йили Голландидан-Зи шахрида ўтказилган «супертурнир»да бўлиб, унда Рустам Қосимжонов жаҳонни шахматчиларидан бири – голландиялик Ван мағлубиятга учратди. (88-шаклга қаранг).

- |                    |          |
|--------------------|----------|
| 29. h2-h4!         | h7-h6    |
| 30. Od5-e7+        | Шg8-h8   |
| 31. Oe7-g6+        | ! f7:g6  |
| 32. Fd3-f8+        | Фзс4-q8  |
| 33. Pb7-b8         | Фзg8:f8  |
| 34. Pb8:f8+ Шh8-h7 |          |
| 35. Pf1-e1         | g6-g5    |
| 36. h4-h5          | Фb6-c5   |
| 37. Pf8-c8         | Pc2-f2 + |
| 38. Шg2-h3         | Фc5-f8   |
| 39. Pe1-e8         | Шh8-g8   |
| 40. c3-c4          | a7-a5    |
| 41. c4-c5          | a5-a4    |
| 42. c5-c6          | a4-a3    |
| 43. Pe8:f8+!       | ...      |

Коралар таслим бўлди (1:0)



88-шакл



## Шахмат тарихидан

IX асрда шатранж назариясига оид адабиётлар пайдо бўди. Сунъий мевалар, яъни мансубалар тузилди. 600-чи ҳозирги шахмат композициясининг асоси бўлди. VII-VIII миннада ривожлантириш мақсадида табиялар ўйлаб топилиди. Табиялар ўйиннинг бошланғич қисмидаги юнитларни англатса, мансубалар ўйин охирига оид ташкотирмалардан иборат бўлган.

Соҳибкорон Амир Темур шатранжни улуғлаган, ўни ривожлантиришга катта хисса қўшган. Саройда шатранж олияси ва назариётчisi Али Шатранжий яшнингкача машҳур бўлган.

VII-XI асрларда шатранж Европага кириб келди. Испания, Италия, Россия, Франция каби давлатларда шахмат тарқалди. Янги ном «Шахмат» пайдо бўлди. Ўзбекистондаги атама «шоҳ» ва араб тилидаги «мот» сўзларидан олинган эди.

### **3. САВОЛ ВА ТОПШИРИКЛАРИННИ ЖАВОБЛАРИ**

#### **5-дарс**

4) Шохнинг энг кисқа йўлига тўрт юриш, йўлига саккиз юриш талаб этилади.

#### **6-дарс**

2) Масалан: Фзa8, Фзb2, Фзh7, Фзg3.

#### **7-дарс**

4) Шоҳ 7 юришда. Фарзин 1 юришда. Рух 2 юришда.

#### **8-дарс**

1) Ph1-a8-d5-a2-g8-h7-b1-e4-h1

#### **9-дарс**

1) Oh8-f7-e5-g4-f2-h1-g3-e4-d2-b3-a1-c2-d4-b5-e7-a8

#### **10-дарс**

1) а) Оқ пиёда a6, c6 пиёдаларини б) a6, c6 пиёдаларини

2) f3 пиёдаси 5 юришида, h7 пиёдаси ҳам

4) ... -f8 0+! Og6:f8 2.g7:f8 O+

#### **11-дарс**

2) а) йўқ. б) йўқ.

#### **12-дарс**

3) а) 1. Фзc3-a5+ ; 1. Pa7-d7+; 1. Фe3-g5+ ; 1. O

1. c6-c7+ ; 1. e6-e7+ ;

б) 1... Фзh3-h4+ ; 1.... Фзh3. – f1+; 1.... Фзh3-h4+ ; 1.... Ph8. h4+ 1....Фg8:e6+

1.... Oc8-b6+; 1... d6-d5+

4) а) 1. Фзh6-q7x; 1. Фзh6-f8x; 1. Фзh6-h8x; 1. h7x; 1.Pa7-g7x; Фg4-e6x; 1. f6-f7x

5) 1... Фзd4-c4x; 1... 1... Фзd4-d3x; 1... Фзd4-d3x; 1... Фзd4-f2x; 1.... Pd2-f2x; 1.... Фe4-d3x; 1... g3-g2 x

#### **14-дарс**

2). h2-h3! ва ҳар қандай юришда пот.

### **15-дарс**

- 1) Ҳа. 1. Ф3d3-d5+Рa7-b7 2. Ф3d5-a5 Ф3b8-a7  
1. Ф3a5+ b8+

### **16-дарс**

- 1) 1. Ф3h8x; 2) 1. Рb3 Шa5 2. Рa7x;  
1) 1. Рh4+Шg7 2. Рh7x;  
1) 1. Ф3g5+ Шh8 2. Ф3h6+Шg8 3. Ф3h7x

### **17-дарс**

- 1) Ф3b1-g8!

### **18-дарс**

- 1) а) 1. Рc3-f3! Шe8-d8  
1. Рf3-f8x б) 1.... Рa1-a3! 2. Шe3-d3 Рf8-f3x

### **19-дарс**

- 1) 1) Шc5-c6 Шa6-a7  
1. Фe6-c4 Шa7-b8 3. Фd8-c7+Шb8-a7 4. Фc7-e5  
1. a7-a8  
1. Шc6-c7 Шa8-a7 6. Фe5- d4+ Шa7-a8 7. Фc4-d5x

### **20-дарс**

- 1) 1. Ов1-d2 a4-a3  
1. Od2-c4 a3-a2 3. Oc4-e5 a2-a1 Ф3 4. Оe5-g6x  
2) 1. Фb2-f6! q7:f6 2. Шe7-f8  
1. f5 3. Oh6-f7x

### **21-дарс**

- 1) оқшар ютади. Шh8-q8 2. a2-a4 Шg8-f8 3. a4-a5  
1. e7 4. a5-a6 Шd7-c7 5. a6-a7 Шe7-d7  
6. a7-a8Фз.

### **22-дарс**

- 1) 1. Шg4-f5 Шg7-f7 2. Шf5-e5 Шf-e7 3. Шe5-d5 Шe7.  
1. f7 4. Шd5-c5 Шd7-c7 5. Шc5-b5 Шc7-b7 6. Шb5:a5  
1. f7-a7.

## **Иккинчи бўлим. Топшириклар**

- /6 шакл. 1. Фзс2-с7!

- 77-шакл. 1.  $\Phi h6-f8+\Phi g4-h5$  2.  $\Phi z h4:h5+!$   $g6:h5$  3.  
 $Pd6-h6x$
- 78-шакл. 1....  $\Phi z d4-q1+!!$  2 $\text{Ш} h1:g1$   $\Phi g7-d4+va$  3....  
 $Pg8-g1x$
- 79-шакл. 1...  $Pf8:f3!$  2.  $g2:f3$   $\Phi z d7-h3$  3.  $Pf1-e1$   
 $\Phi d6-h2+4.$   $\text{Ш} g1-h1$   $\Phi h2-g3+5.$   $\text{Ш} h1-g1$   $\Phi z h3-h2+$   
6.  $\text{Ш} g1-f1$   $\Phi z h2:f2x$
- 80-шакл. 1.  $\Phi z c3-h8+!!$   $\text{Ш} g8:h8$  2.  $0g5:f7+va$  3.  $0f7:d6$
- 81-шакл. 1.  $0h3-g5 + \text{Ш} h8-g8$  2.  $Ph1-h8+!$   $\text{Ш} g8-h8$   
3.  $Pg1-h1+ \text{Ш} h8-g8$  4.  $Ph1-h8+!$   $\text{Ш} g8:h8$  5.  $\Phi z d1-h1+$   
 $\text{Ш} h8-g8$  6.  $\Phi z h1-h7x$
- 82-шакл. 1.  $\Phi e2-b5!$   $\Phi z c6:b5$  2.  $od5-c7 + va$  3.  $Oc7:d5$
- 83-шакл. 1.  $\Phi z b4-f8+!!$   $\text{Ш} g8:f8$  2.  $Ph1-h8 x$   
Ёки 1...  $Pe8:f8$  2.  $Of5-e7 x$
- 84-шакл. 1.  $Pc2-c8+Pg8:c8$  2.  $\Phi z b6-a7+!!$   $\text{Ш} b8:a7$   
3.  $b7: c8 O! \text{Ш} a7-b7$  4.  $Oc8:e7.$
- 85-шакл. 1.  $Pg5-c5!$   $\Phi z c4:c5$  2.  $Pg7:h7+!$   
 $\text{Ш} h8:h7$  3.  $\Phi z g1-g7x$

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. «Шахматы. Энциклопедический словарь». Москва, 1990.
2. «Ваш первый ход». Сокольский А.П. Москва, 1989
3. «Куда идёт король?». Хенкин В. Москва, 1984 й.
4. «Путешествие в шахматное королевство». Авербах Ю., Москва, 1984.
5. «Шахмат». Мухиддинов М. Тошкент, 1992 й.
6. «Шахматное обозрение-64» журнали, Москва, 1992-99.
7. «Первый шах». Зенков Г.М. 1998. Кемерово.

## МУНДАРИЖА

### Биринчи бўлим

- 1-дарс. Шахмат тахтаси.....  
2-дарс. Шахмат ёзуви.....  
3-дарс. Шахмат доналари.....  
4-дарс. Ўйинқоидалари.....  
5-дарс. Доналарнинг юриш қоидалари. Шоҳ.....  
6-дарс. Фарзин.....  
7-дарс. Рух.....  
8-дарс. Фил ва «очмас».....  
9-дарс. От ва икки ёқлама зарба.....  
10-дарс. Пиёда.....  
11-дарс. Шоҳни яшириш – рокировка.....  
12-дарс. Шоҳга ҳужум. Кишт бериш ва мот.....  
13-дарс. Дуранг. Ўйин охирида кучлар тенглиги.....  
14-дарс. Пот.....  
15-дарс. Кишти-қойим усули.....  
16-дарс. Ёлғиз шоҳни мот қилиш.....  
17-дарс. Фарзин билан мот қилиш.....  
18-дарс. Рух билан мот қилиш. Чизикли мотлар.....  
19-дарс. Икки фил билан мот қилиш.....

20-дарс. Икки от шоҳга қарши.....	68
21-дарс. Шоҳ ва пиёда шоҳга қарши квадрат коидаси.....	72
22-дарс. Мотми, пот?.....	76
23-дарс. Ўйиннинг бошланғич қисми.....	80
24-дарс. Оддий комбинациялар.....	90

### **Иккинчи бўлим**

1. Топшириклар.....	99
2. Мустакил таҳлил килинг!.....	101
3. Савол ва топширикларнинг жавоблари.....	106
4. Фойдаланилган адабиётлар.....	109

60

61

62

63

64

65

66

67

68

69

70

71

72

73

74

75

76

77

78

79

80

81

82

83

84

85

8/5  
Маматқул ХАЙЛАЕВ

## ШАХМАТ САБОҚЛАРИ

**Мұхаррір:**

Адиба Ҳамро кизи

**Техник мұхаррір:**

Рустам Ортиқов

**Мусаҳзих:**

Сухробжон Аввалбоев

«<sup>®</sup> Нашриёт лицензияси: АI № 221, 16.11.12.

Босишига рұхсат этилди: 09.04.2016.

Бичими: 84/108 1/16. Офсет босма. “Times”  
гарнитурасы.

Шартли босма табоғи: 7,0.

Нашриёт босма табоғи: 6,25.

Адади: 1000 нұсха. Буюртма: № 03-15.

Баҳоси келишилгандарда.

**Нашриёт манзили:**

“Yurist-media markazi” нашриёти,  
Тошкент шаҳри, Отчопар кўчаси, 82-уй

Тел.: 212-47-79, 230-04-74

E-mail: [yurist\\_media@mail.ru](mailto:yurist_media@mail.ru)

**Босмахона манзили:**

«GOOD GROUP MEDIA» МЧЖ-да чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Чилонзор-14, 32-уй.



(b) (3)

*Шахмат ҳаётдаги құпгина зарур фазилаттарни тарбияладын.  
Фаросат ва қамтыяты билан шүл танлашга, жасур ва айни дамда  
әхтиёткор бұлшиға ўргатади. Бир сүз билан айтганда, шахмат  
инсон харakterини тоблагайды.*

Эмануэль ЛАСКЕ

*Шахмат үйнешини ўрганиши осон, лекин яхши шахматчи булшы  
қийин.. Тажриба – эт үшін мұаллым. Ёдда шүтинг: кучли  
шахматчи бұлшидан олдин юзлаб ўйнларда ютқазишингизге тәрби  
келади.*

Хосе Рауль КАПАБЛАН

*Шахмат воситасида мен харakterимни тарбияладым.  
Шахмат аввалимбор соқөтікка ҳаққоний баҳо  
беришіга ўргатади. Худди ҳаётда бұлғани  
кабі шахматда ҳам кишин јұз хато ва  
камчиліктари мөдіятини англаб  
етсегіна мөхір уста бұлғиб  
етішиша олади.*

Александр АЛЁХИН



ISBN 978-9943-4337-8-6

9 789943 433786